

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Кимё-технология факультети

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари технологияси”
кафедраси**

“Ҳимояга руҳсат этилди”

Факултет декани, в.в/б.

А.Акрамов

“___” _____ 2016 йил

5410500 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси
таълим йўналиши битирувчиси

Йўлчибоева Дилдорахон Арапбой қизининг

**“ЯНГИ ҒЎЗА НАВИНИНГ ЭЛИТА УРУҒИНИ САҚЛАШ ВА ЭКИШГА
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ”**
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи: _____ Д.Йўлчибоева

Илмий раҳбар: _____ Х.А.Болтабоев

Кафедра мудири: _____ Т.Л.Худойбердиев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	8
2. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ	16
2.1. Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити.....	16
2.2. Тажриба ўтказиш услублари.....	18
2.3. Уруғлик пахтанинг ифлослиги, намлиги ва шикастланиши меъёрлари.....	22
3. УРУҒЛИК ПАХТАНИ САҚЛАШ	25
3.1. Уруғлик пахтага қўйилган стандарт талаблар ва уни сақлаш тартиби.....	25
3.2. Уруғлик пахтани териш, тайёрлаш ва сақлаш.....	30
3.3. Уруғлик пахтани бунда сақлаш ва сақлаш доврида унинг сифат ўрсаткичларини ўзгариши.....	33
4. УРУҒЛИК ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	47
4.1. Уруғлик чигитнинг авлоди ва категорияларини меъёрий талаблари.....	47
4.2. Уруғлик чигитни экишдан олдин препаратлар билан дорилашни пахта ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири.....	49
4.3. Сақлаш шароити ва муддатларини уруғнинг униб чиқиши, кўчат қалинлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири.....	53
5. ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ	60
6. МЕҲНАТ МУҲОFAЗАСИ	62
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	66
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТДАР РЎЙХАТИ	67
ИЛОВАЛАР	70

К И Р И Ш.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 23-декабрдаги 604-қарорига асосан ғўза уруғчилиги, янги ва истиқболли навларни яратиш, юқори репродукцияли ва элита уруғлик чигитларни тайёрлаш, уруғчиликни йўлга қўйиш ҳамда нав тозалигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарорида: толасининг сифати бўйича жаҳон стандартлари ва талабларига жавоб берадиган ғўзанинг тезпишар ва серҳосил селекция навларини Республика минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда оқилона жойлаштириш йўналишида қишлоқ хўжалик олимлари ва мутахассислари олдига катта вазифалар қўйилди.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йил 26 ноябрдаги “Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси” да сўзлаган нутқида “Наманган заминида ... ғўза навларини ҳар бир ҳудуднинг табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олмасдан, нотўғри жойлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Янги ва истиқболли навларни синаш ва районлаштиришга етарлича эътибор берилмаяпти” дедилар. Бунинг оқибатида олинадиган пахта ҳосили кам бўлмоқда.

Куидаги 1-жадвалда Наманган вилоятида 2016 йилда туманлар бўйича экилган ғўза навлари ва уларнинг майдонлари келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий майдонларга С-6524 (27100 га.), Наманган-77 (19300 га.), Андижон-35 (16700 га.) ва Наманган-34 (5000 га.) навлари экилган.

Республикаimiz Президенти И.А.Каримов ва Вазирлар Маҳкамаси пахтачиликни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлилигини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. Бунинг учун пахта заводлари билан

Вилоят ҳокими-
нинг 2016 йил
5- февралдаги
47-сонли қарори
билан тасдиқланган
1-илова

**1-жадвал. 2016 йил ҳосили учун ғўзанинг районлашган ва истиқболли
навларини жойлаштирилиши, гектар.**

№	Туман лар номи	Жами пахта майдо ни	Шу жумладан навлар бўйича				Истиқбол ли навлар		
			Тез пишар навлар			Ўрта пи- шар нав			
			Наман ган-77	Наман ган-34	Анди жон- 35	С- 6524	С- 8286	Пор лоқ- 2	
1	Мингбу лоқ	15906			5300	9006		300	1300
2	Косон сой	5604	3304	1950				300	50
3	Наман ган	6500			3950	2350			200
4	Норин	6575	4175			2300			100
5	Поп	14132			5050	5532		2700	850
6	Тўракўр ғон	5858	2858		2400			200	400
7	Уйчи	7039				2289	380 0	100	850
8	Учқўр ғон	10336	5363			4223			750
9	Чортоқ	1800				1400		100	300
10	Чуст	7150	3600	3050				300	200
	Жами	80900	19300	5000	16700	27100	3800	4000	5000

етиштирувчиларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фан билан ишлаб чиқаришни боғлиқ ҳолда олиб бориш барча соҳаларда режаларни бажаришда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса пахтачиликда етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш жараёнлари ўта мураккаб бўлиб, бажариладиган ишларни тезлаштириш ва маҳсулот сифатини ошириш асосан янги технологияларни излаб топиш ва уларни кенг қўллашга боғлиқ. Қабул қилиб олинган пахта

махсулоти сифатини оширишда стандарт талабларига риоя қилиш бош омил саналади.

Пахта заводларида топширилаётган пахтани стандарт талаби бўйича қабул қилмаслик, уни сақлаш жараёнида ҳам йўл қўйилган хатоликлар пахта тозалаш саноатида ортиқча харажат қилишга олиб келади. Шу боисдан бундай жараённи илмий асосда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади: Янги ғўза навларининг элита уруғларини сақлаш усуллари ва шароитлари ҳамда уруғларни экишга таёрлашда бажариладиган ишларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Элита уруғлик чигитни сақлаш усуллари ва режимлари, сақлашда уруғнинг сифат кўрсаткичларига таъсир қиладиган омиллар ҳамда уруғлик чигитни очиқ жойда ва ёпиқ жойда сақлашнинг уруғни унувчанлигига ва пахта ҳосилдорлигига таъсири ўрганилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Элита уруғлик чигитни сифатига таъсир этувчи омиллар ва уруғлик пахтани сақлаш тартиби, усуллари, режимларини ўрганиш ва уни так.омиллаштириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот объекти. Тўрақўрғон туманидаги “Оқтош пахта заводи”да сақланаётган уруғлик элита пахтаси ва элита уруғлари тажриба объекти ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз уруғлик элита пахтасини сақлаш усуллари, режимлари ва муддатларини уруғликнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ҳамда экишга таёрлаш технологиясини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

БМИ таркиби. Кириш, 6 та бўлимдан иборат бўлиб, 2 та расм, 14 та жадвал берилган. Тегишли хулоса ва таклифлар қилинган, 27 та адабиётлардан фойдаланилган бўлиб 80 бетни ташкил қилади..

1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Пахтачилик фанининг ривожига катта хисса қўшган олимлар Г.С.Зайцев (1924-1948), В.И.Кокуев (1933-1948), С.С.Канаш (1948), А.Н.Трибунский (1955), Л.В.Румшевич (1957), Н.Г.Симонгулян (1960), С.М.Мирахмедов (1966), Б.П.Страумал (1968-1970), М.Божинов (1983), А.Н.Трибунский, А.В.Ким (1973), К.Б.Бахромов (1994), Ш.Ибрагимов ва бошқалар (1994), А.Эгамбердиев (1995-1999) яратган ғўза навлари ўзининг серхосиллиги, тезпишарлиги, толасининг сифати ва юқори чиқими билан алохида ажралиб туради. Ғўзаларни дурагайлаш натижасида ҳар хил навлар яратиш, умуман янги ғўза навлари ва уларнинг хосилдорлиги ва бошқа хусусиятларининг дурагайларга ўтиши ҳақидаги кўплаб тажрибалар ўтказилган. С.Мирахмедов, (1966), Н. Симонгулян, (1966), Б.Страумал (1970), А.А.Абдуллаев. (1973), Ш.Нурматов (2001), Н.Авлиёқулов (2001), К.Бахрамов, Ш.Ибрагимов, А.Бахрамов, А.Нуриддинов, С.Ортиқов, 2001), Ж.Ахмедов, А.Нуриддинов, Ш.Абдуалимов (2004), Ж.Ахмедов, А.Нуриддинов (2004) лар ўзларининг кўп йиллик кузатувлари натижасида ғўзанинг қадимий ёввойи, турларидан ташқари экилиб келинаётган турларидан кўп фойдаланишга катта эътибор берганлар.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида “Элита” уруғлар уруғчиликнинг асоси, жумладан дастлабки босқичи бўлиб, уруғлик фондининг фаолияти ана шулардан бошланади. Шунинг учун ҳам барча уруғлик фондининг сифати элита уруғининг сифати ва уни етиштириш усулларига боғлиқ (А.Э.Эгамбердиев, 2007).

Пахта толасини юқори, сифатли бўлишида ғўзанинг эртапишарлиги муҳим омилдир. Ана шу масала бўйича Р.Г.Ким, Н.Хўжамбердиев (2002) лар ўз тажрибаларида чуқур таҳлил қилганлар.

Энг яхши кўрсаткич берган тизма ва янги навларни уруғини жадал усулда кўпайтириш, наводорлигини ошириш муаммолари тўғрисида Х.Эгамов, Т.Комилов ва бошқалар (1998; 2003; 2008) ўз тадқиқотларида тавсиялар беришган.

Р.Назаров, Ж.Ахмедов, Ш.Қўзибоев ва бошқалар (2003) ни таъкидлашча янги навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобига ҳосилдорликни 10-20 фоизга ошириш мумкин.

Дўзани парваришлашда ҳавонинг иссиқ пайтларида тупроқ намлигини 75 фоиздан камайтирмаслик, акс холда мевалари ошиқча тўкилиб кетиши тўғрисида Р.Назаров ва О.Ибрагимовлар (2006) фикр билдиришган.

М.Иксанов, В. Автономов ва бошқалар (2005) таҳлили бўйича ўза наводорлигини ошириш учун элита хўжаликларида уруғлик пахта тозалайдиган кичик пахта заводлари куриш кераклигини таъкидлашади.

Ш.Қўзибоев (2004, 2005) Республикамиз уруғчилиги хўжаликларидаги ишларни ўрганиб чиқиб, селекция уруғчилик занжирини таклиф қилиб, бунда уруғчиллика маркетинг хизматини киритиш кераклигини, айниқса илмий-тадқиқот институтлари ва навод оргинаторлари бевосита қатнашишлари кераклиги, шундагина навод тозаллигини юқори даражада таъминлаш мумкин деган хулосага келдилар. Хилма-хил ҳудудлардаги элита хўжаликлари учун ҳар бир наводни хусусиятини ҳисобга олган холда агротехника ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисида хулосага келган. Нав тозаллиги ва бир хиллигига ўзанинг парвариши ҳам таъсир қилади. Уруғчиликнинг асосий вазифаси ўзани юқори агротехнологияда ўстириш, ҳосилини йиғиб-териб олиш ва мазкур наводга тегишли ҳамма белги ва хусусиятлари сақланган ҳолдаги юқори, сифатли уруғлик материалларини етказиб беришдан иборатлиги таъкидланган.

А.А.Нариманов, Ю.Ф.Узаковлар (1998) элита уруғчилик хўжаликларини ишларини ўрганишар экан, 50% га яқин уруғлик хом-ашёси ола чиқиш ва чанқаш ҳисобига чиқитга чиқарилаётганининг ва унинг чорасини кўриш зарурлигини таклиф қилишган.

О.В.Кратиров ва бошқалар (1981) «Районлашган навларни элита ва биринчи репродукцияли уруғини етиштириш» деган йўриқномасида навларни кўчатзорлар бўйича экиш тадбирлари, ерни тайёрлаш, ўсув даврида кузатув ишлари, оилаларда ўтказиладиган дала кўриклари ва навнинг қандай

белгиларига аҳамият бериш кераклиги, якка танлаб олиш, намуналар териш, уруғликка териш, лаборатория таҳлиллари тўғрисида батафсил ёзганлар ва ана шуларга қатъий амал қилишни кўрсатиб ўтганлар.

Н.Г.Симонгулян, С.Р.Мухаммаджонов, А.Н.Шафрин (1974) ғўза уруғчилиги юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор олимлар уруғни саралаш ва сифатли тола етиштириш бўйича ўз тадқиқотларида бир неча тавсиялар берганлар. Жумладан: Э.У.Хасанов, Ж.Х.Ахмедов (1986), Б.С.Мусаев, Ф.Жамолова (1998), Х.Эгамов, Т.Комилов, М.Дадажонов (1998). Шунингдек, бу тадқиқотчилар селекция ташкилотлари, нав синаш, уруғни дастлабки кўпайтириш, элита хўжаликлари услублари тўғрисида батафсил маълумот бериб, ғўза селекцияси ва уруғчилиги тизимини тузиб чиқдилар.

А.Қосимов, М.Дадажонов, Р.Исмадияров (1994) ларнинг кузатишига кўра, ғўза навларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича алоҳида ҳисобга олиш зарурати навлар ўртасида мавжуд фарқларга асосланади. Шунингдек, пахта ҳосилдорлиги кўплаб омиллар таъсири остида шаклланувчи натижавий кўрсаткич бўлиб, пахтачилик тармоғи иқтисодий самарадорлик даражасини белгиловчи асосий шарт ҳисобланади.

И.Кокуев (1948) ғўза тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича ўзгарувчанлик даражасини ўрганиб битта кўсакдаги пахта вазни ва бир туп ўсимлик ҳосили белгилари бўйича ўзгариш диапазони катта бўлади деган хулосага келган.

Х.Эгамов, Т.Комилов (1998) лар энг яхши кўрсаткич берган тизма ва янги навларнинг уруғини жадал усулда кўпайтириш тўғрисида ҳабар қиладилар. Лекин, ушбу янги, ҳосилдор ва тезпишар навни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва элита-уруғчилик хўжалиги очиш учун уруғи етарли кўпайтирилмаган. Айниқса навнинг навдорлиги талаб даражасида эмас. Ана шу муаммоларни ҳал этишда, бизнинг 2 йиллик изланишларимиз амалий аҳамиятга эга бўлади. Андижон-36 ғўза навини экишга бўлган талабни кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб 2009 йилда ушбу навни элита-уруғчилик

хўжалигига яна битта қўшилди. Бу Фарғона вилояти Қува тумани “Абдумуталлиб сара уруғ” уруғни дастлабки кўпайтириш элита уруғчилик фермер хўжалиги бўлиб, у ерда навнинг сара уруғи кўпайтирилди.

Пахта толасини юқори, сифатли бўлишида ғўзанинг эртапишарлиги муҳим омилдир. Ана шу масалани Р.Г.Ким, (2005) ўз тажрибаларида чуқур таҳлил қилган.

Тола чиқишини кўпайтириш соҳасида тадқиқот олиб борган олимлардан Д.А.Мусаев (1977) ва бошқаларнинг фикрига кўра, бу белгини яхшилаш учун кўп маротаба якка танлаш олиб бориш зарур.

Кўп йиллик маълумотларга кўра, Г.С.Зайцев (1924, 1929), В.И.Кокуев (1933, 1948), С.С.Канаш (1948), Б.П.Страумал (1952, 1961), А.Д.Дадабоев, Н.Г.Симонгулян (1960), С.М.Мирахмедов (1966), Б.П.Страумал (1970), О.Жалилов (1999) ва бошқалар яратган ғўза навлари ўзининг серҳосиллиги, тезпишарлиги, тола чиқиши ва сифати юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ќўза уруғчилиги, юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай масала бўйича бир қатор олимлар уруғни саралаш ва сифатли тола етиштириш бўйича ўз тадқиқотларида бир неча тавсиялар берганлар. Жумладан: Б.С.Мусаев, Ф.Жамолов (1998), Х.Эгамов, Т.Комилов, М.Дадажонов (2008).

А.Наримонов, Ж.Абдураимов, Ж.Рахимов (2008), Х.Эгамов (2013) ларни таъкидлашича, уруғлик чигитни наводорлик сифати (генетик тозалиги) элита уруғларида 100 %, биринчи авлодда 99 %, иккинчи авлодда 98 %, учинчи авлодда эса 96 фоиздан кам бўлмаслиги талаб этилади. Янги услуб бўйича оригинатор муассасасидан олинган 300 та якка танлов, 120 та оиладан терилган намуналар биринчи йилги ишларда 2 та кўчатзорда якка танловлар ва намуна терим кўчатзорларида парваришланади. Иккинчи йили ҳар бир кўчатзордан, олинган намуналар алоҳида экилади. Сўнг нав муаллифи билан уруғлик кўчатзорлардан бегона навлар юлиб ташланади. Шундан сўнг иккала

кўчатзор ҳам битта қилиб ёппасига териб олинади. Ана шу пахта уруғи кейинги йили элита сифатида 40-50 га майдонга экилади.

И.Эрназаров (2006) ғўза навлари устида олиб борган тажриба натижалари асосида шундай хулоса қилади. Навлар танлашда деҳқончиликнинг минтақавийлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Масалан, Шахрисабз шароитида натижа берган нав Муборақда кутилган ҳосилни бермаслиги мумкин. Шу сабабли нав танлашда шаблон усулини қўллаш нотўғридир.

Ш.Хўжаев, Р.Очилов, А.Саъдуллаев (2009) ларнинг маълумотларига кўра ғўза шоналаш даврида ғўзанинг ҳар 100 тупидан 6 таси шира, трипс ва ўргимчаккана билан зарарланса бу даланинг ҳар гектаридан 1 центнер кам ҳосил олиниши кузатилган.

Р.Назаров ва Б.Абдалниёзов (2009) ларни таъкидлашича, тезпишар навларнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор берилса яхши натижаларига эришилади. Биринчидан- ернинг ўртача ҳарорати $+14; +16^{\circ}\text{C}$ да уруғ экилса, у 5-6 кунда униб чиқади. Иккинчидан-йиллик минерал ўғитларни уч бўлиб экиш олдидан 50% азотли, 60-70% фосфорли ва калийли ўғитларни ерга солиниши, қолган йиллик нормаси шоналаш ва гуллашни бошланиш даврида ғўза культивация давомида берилиши мақсадга мувофиқ.

Худойбердиев Т.С. (2003) нинг маълумотида кўра пахта далаларидан йиғиб-териб тайёрлов пунктларига келтирилган пахта хом-ашёсининг намлиги, ифлослиги аниқлангандан сўнг қабул қилинган чигитли пахтани сақлаш катта аҳамиятга егадир. Тайёрланган чагатли пахта қайта ишлишга қадар бир хил ҳолатда бунтларда сақланиб турилади. Чигитли пахталар бунтларда толанинг табиий хусусиятлари ва чигитнинг уруғлик ҳамда саноат сифатлари бузилмайдиган шароитда сақлаш лозим.

Қодиров С.Қ., Худойбердиев Т.С. (2003) лар уруғлик чигитнинг намлиги катта амалий ва хўжалик аҳамиятига ега. Намлиги юқори бўлган чигитнинг унувчанлиги камайиб, сақлаш даврида чирийди. Уруғлик чигитнинг Ўрта Осиёда 10% дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Уруғлик чигитлар

намлиги, унувчанлиги ва бошқа сифат кўрсаткичларигақараб уч синфга бўлинади: биринчи синфли чигитларнинг унувчанлиги камида 95%, иккинчи синф-90%, учинчи синф-85% бўлиши керак. Екиш учун унувчанлиги 85% дан кам бўлган уруғлар яроқсиз ҳисобланади.

Ботиров С. (2003) нинг тажрибасига кўра пахтанинг элита уруғлари хўжаликлардан қабул қилиб олинган қопларда сақланиши керак. Сифати ҳар хил бўлган уруғлик пахта арлашиб кетмаслиги учун улар алоҳида омборларда сақланади. Биринчи репродукция уруғларнинг вазни 200 т дан ортиқ бўлмаса, улар очик майдонларда бунт қилиб, янги брезент ёпилиб сақланади. Уруғлик пахта сақланадиган ҳар бир омборда ёки бунтда жойлаштирилган уруғлик пахтанинг партияси ва вазни, нави, репродукцияси, нав тозалиги, дала апробацияси гуруҳи. Омбор ёки бунт рақами, комплектлашнинг бошланиши ва охири, қўл ёки машинада териш, таваршунос фамилияси ёзилган паспорт ўрнатилади.

Ҳалимов Б. (2003) нинг ёзишича, ма'лумки илгари пахта тозалаш корхоналарида ифлос аралашмалардан тозалаш учун пахта бир неча дастгоҳ ва ускуналардан ўтказилар еди. Натижада пахта толасининг узилишидек нохуш жараён тез-тез содир бўлади. Толанинг узилиши ўз навбатида тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатига салбий та'сир кўрсатмасдан қолмайди. Бу еса пировардида ҳаридорнинг ҳақли е'тирозига сабаб бўлар еди. Ендиликда буларга чекқўйилди: пахтани тозалаш вақуритиш, толани чигитдан ажратиш ваомик ажратиш сеҳлари бир бинога жойлаштирилиб, замонавий ҳамда маҳсулот чиқимини оширадиганқисқа технология жорий етилди.

Бинобарин, юқори сифатли уруғлик чигит етилиши учун ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши муҳим аҳамиятга эга. У ўсимлик ривожини тезлаштиради, мўл ва ертаги ҳосил тўпланишида асосий омил ҳисобланади.

Тайёрланган уруғлик материалнинг тўғри сақланиши ҳам юқори сифатли уруғлик чигит олишда муҳим рол ўйнайди.

Уруғлик чигитнинг сифатини ошириш учун барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш керак. Шу билан бирга, чигитни саралаш билан ҳам сифатини ошириш мумкин.

Уруғлик пахтани териш, тайёрлаш ва сақлашни илмий асосланган тавсиялар асосида олиб бориш уруғлик чигит сифатини оширишнинг бош омилидир. Уруғлик учун екилган пахта майдонларидаги барча тадбирлар сифат кўрсаткичлари юқори бўлган уруғлик чигит олишдан иборат.

Уруғлик пахтани териш ҳам ўзининг хусусиятларига ега. Ўза кўсагининг ярус бўйлаб очилиши уни йиғиб-териб олишни анча қийинлаштиради. Уруғлик пахтанинг сифати кўсақларнинг тупда жойланишига, заракунанда ва касалликлар билан зарарланишига боғлиқ. Ўза тупининг ўрта ва пастки қисмида, иккинчи ва қисман учинчи конусда жойлашган кўсақлар энг қимматлидир. Бу кўсақлардан сифатли уруғлик чигит олиниши мумкин. Уруғлик пахтани териш ва уни топшириш ЎзРСТ талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Сифатли уруғлик олиш учун фақат соғлом ва нормал очилган кўсақдаги пахта териб олинади.

Кемирувчи зараркунандалар билан зарарланган кўсақлар чирийди ва ундан сифатли пахта тайёрлаб бўлмайди. Одатда бунда пахта толаси сарғиш ҳамда кулранг тусда бўлади. Пахта бити билан шикастланган пахтақора тусда бўлади. Гоммоз билан касалланган кўсақларнинг пахтаси пишмаган, сарғиш тусли бўлади. Вилт юққан ўзалардан ҳам сифатли уруғ олинмаслиги исботланган.

Уруғлик пахта фақатқўлда бир-икки марта териб олинади. Уруғлик пахтани сифатли йиғиштириб олиш учун пахта териш меёри асосий маҳсулот учун териладиган пахта меёридан 20-25 % га камайтирилган.

Иккинчи репродукция екилган майдонлардан уруғлик пахтани машина билан териб олишга рухсат етилади. Машина теримиғаўза баргларининг дефолиациядан кейин камида 80 % и тўкилганда ва кўсақларнинг ўртача 70-75 % и очилганда киришилади. Бундай пахталарни машинада теришдан

олдин ривожланмаган, зараркунанда ва касаллик билан зарарланган пахта хамда кўсакларкўлда териб олинади.

Машинада терилган уруғлик пахтадан шикастланган чигитлар миқдори 1 % дан ошмаслиги керак.

Хусанов Р.Х. (1999) нинг та'кидлашича пахтачиликда ҳосилдорлик тупроқ унумдорлиги, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши билан бирқаторда уруғлик пахта хом ашёси пахта пунктларидағарамларда сақланиши, пахта заводларида чигитни толадан ажратиш, уруғлик чигитни туксизлантириш, саралаш, дорилаш вақадоқлаш хам селекционер олимлар ва янги тузилган уруғлик бошқармаси мутахассислар е'тиборида бўлиши керак.

Рахимов К. (2004) нинг ма'лумотига кўра "Юлдуз", «Оқ олтин» ҳиссалорлик жамияти Амударё тумани хўжаликлари топширган хом ашёни қабул қилади, қайта ишлайди ва сақлайди. Асосий е'тиборни ихчамлаштирилган технологиядан самарали фойдаланишга қаратган. Я'ни корхонадаги барча иш жараёнлари ихчамлаштирилган. Бир жойга тўпланган. Бунда даставвал пахта чигитининг механик шикастланиш олди олинди, илгари 80 метр узокликдаги масофадаги тозалаш сеҳидан бош корпусга етказилгунча пахта анча уринибқолади. Ҳозир эса хом ашё худди кафтда тутгандек қайта ишлашга етказиб берилади. Иккинчидан, назорат яхшиланиб, тартиб-интизом мустаҳкамланади. Учинчидан, йилига энг камида 30% электр энергияси иқтисод қилинмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили билан танишар эканмиз, ғўзаларнинг элита уруғларини етиштириш, унинг сифат кўрсаткичлари яхшилаш, сақлаш ва экишга таёрлаш масалалари бўйича етарли даражада изланишлар олиб борилган. Шу муносабат билан дастурда кўрсатилган янги ғўза навларини уруғлик сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва унинг бирламчи уруғчилик ишларини такомиллаштириш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

2. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

2.1. Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ- иқлим шароити.

Наманган вилояти Фарғона водийсининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, унинг умумий майдони 7,9 кв. км.га тенг. Водийнинг жумладан, вилоятнинг ҳам атрофи баланд тоғликлар билан ўралганлиги сабабли бу ҳудудга совуқ оқимларнинг кириб келиши қийин, табиий иқлими юмшоқ бўлиб, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хужалик экинларини ўсиши учун қулай. Вилоят ҳудудида совуқсиз кунлар 210-230 кунни ташкил этади, қорли кунлар йилига ўртача 17-40 кундан ошмайди.

Вилоятда шўрланган ерлар умумий майдоннинг 25 фоизни ташкил этади, шу жумладан кучли шўрланган майдонлар 3,2, ўртача шўрланган майдонлар 5,5 ва кучсиз шўрланган майдонлар 14,3 фоизга тенг. Тупроқ иқлим шароитига кўра вилоят ҳудудини икки зонага ажратиш мумкин:

1.Шимолий тоғ олди ярим дашт субтропик зона. Бу зонага Мингбулоқ ва Поп тумани ҳудудларининг жанубий қисмидан ташқари барча туманлар ҳудудлари киради.

2.Жанубий субтропик чўл зонаси. Бу зонага Мингбулоқ ва Поп туманининг жанубий қисми киради.

Ярим дашт субтропик зонада ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати 13,4- 15,5 °C га тенг. Фойдали ҳарорат йиғиндиси 2250-2700 °C га, ўсиш давридагиси 2404 -2442 °C га, вегетация даври 195 - 225 кунга тенг. Йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача 168-250 мм га тенг. Ёғингарчиликнинг асосий қисми баҳор ва қиш ойларида тўғри келади. Ҳавонинг нисбий намлиги ўсув даврида 53 -48 фоиз атрофида бўлади. Сувнинг ер юзасидан буғланиши бир йилда 1119- 1283 мм га тенг. Бу зонада асосан суғориладиган бўз ва ўтлоқи бўз тупроқлар, шунингдек кам унумли шағал қатлами яқин бўлган оч тусли бўз тупроқлар учрайди. Суғориладиган типик бўз тупроқлар Янгиқурғон, Чортоқ, Косонсой ва Чуст туманларида тарқалган. Бу тупроқларда гумус миқдори хайдов қатламда 1,3-1,6 фоизни, азот 0,09-0,15 фоизни ташкил этади. Бу зонадаги бўз тупроқларнинг 0.5 метрдан пастки қатламида шағал

куп учрайди, шунинг учун ўсув даврида сувни кўп талаб қилади. Уйчи, Наманган ва Норин туманларининг дарё қирғоғига яқин зонасида асосан ўтлоқи тупроқлар учрайди.

Чўл-субтропик зона денгиз сатхидан 200-300 м. Баландликда жойлашган бўлиб, ҳавонинг ўртача ҳарорати 14,5 -16 °C ни ташкил этади. Фойдали ҳарорат йиғиндиси бу зонада 2700 -3250 °C га тенг. Ўсув даврининг давомийлиги 230 -240 кунга тенг, ёғингарчилик миқдори 180 -161 мм дан ошмайди. Бу зонада асосан ўтлоқи, бўз ва сур тусли кунғир тупроқлар учрайди. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар асосан Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган булиб, ҳар хил даражада шўрланган, сув ўтказувчанлиги ёмон. Ер ости сувларининг куп буғланиши туфайли тузларни тупроқ ва ер ости сувларида тўпланиши билан характерланади.

Вилоят ҳудудига хос 2015-йилдаги об- ҳаво шароитлари ҳақидаги маълумот 2.1.1-жадвалда келтирилган.

2.1.1.-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015 йилнинг об- ҳавоси кўп йиллик кўрсаткичдан фарқ қилади. Қишнинг январ, феврал ойлари нисбатан илиқ келди. Ҳавонинг ўртача ҳарорати бу ойларда 3.6 ва 4.9°C га тенг бўлиб, кўп йиллик ўртачадан 7.0 ва 4.1 °C га юқори бўлди. Январ ойи кам ёғин бўлиб, ой давомида ёққан ёғин миқдори 8.8 мм ни ташкил қилди, бу кўп йиллик ўртачадан 16.2 мм га камдир. Феврал ойи эса сер ёғин бўлиб, бу ойда ёғингарчилик кўп йиллик ўртачадан 63.1 мм га кўп бўлди.

Март ва апрел ойлари ҳам нисбатан илиқ келди. Бу ойларда ҳавонинг ўртача ҳарорати 11.7 ва 18.6°C га тенг бўлиб, кўп йиллик ўртачадан 3.0 ва 2.3 °C юқори бўлди. Ёғин миқдори бу ойларда кўп йиллик ўртачадан 11.6 ва 7.4 мм га кам бўлди. Май ойи бошқа йилларга нисбатан салқин бўлди, ҳавонинг ўртача ҳарорати кўп йиллик ўртачадан 0.4 °C паст бўлди. Бу ойда ёғинганрчилик кўп бўлиб, ёғин миқдори 53.5мм ни ташкил қилди, бу кўп йиллик ўртачадан 32.5 мм га кўпдир.

Ёзнинг июн, июл ва август ойлари ўзининг иссиқлиги билан бошқа йиллардан фарқ қилди. Бу ойларда ҳавонинг ўртача ҳарорати кўп йиллик ўртачадан 0.6, 1.3, 2.5 °C га юқори бўлди. Июн ойида ёғин миқдори кўп бўлиб, кўп йиллик ўртачадан 37.4 мм га юқори бўлди. Июл ва август ойларида ёғингарчилик кам бўлди.

Сентябр ва октябр ойлари дехқончилик учун қулай келди. Бу ойларда ҳавонинг ўртача ҳарорати 21.4 ва 16.6 °C ни ташкил қилди, ёки кўп йиллик ўртачадан 2.2 ва 3.3 °C га юқори бўлди. Сентябрь ойида ёғингарчилик миқдори бир мунча кўп бўлиб, кўп йиллик ўртачадан 9 мм га кўп бўлди.

Мавсум давомидаги самарали ҳарорат йиғиндиси барча ойларда юқори бўлиб, мавсум охирида бу кўрсаткич кўп йиллик ўртачадан 214.1 °C юқори бўлди. Бу эса ғўза ва бошқа экинларни ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Шу сабабли пахтани йиғим терими асосан сентябр ва октябр ойини иккичи ўн кунлигида ўтказилди, терилган пахтани асосий қисми юқори навларга сотилади.

2.2. Тажриба ўтказиш услублари

Битирув малакавий иш мавзуси бўйича янги ғўза навининг элита уруғини етиштириш бўйича дала тажрибаси 2015 йилда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Наманган илмий- тажриба станциясида ўтказилди. Тажрибада янги яратилган ғўзанинг “Тўрақўрғон-4” навини элита уруғини яратиш мақсадида бирламчи уруғчилик ташкил этилган.

ПСУЕАИТИ Наманган ИТСси тупроқғи механик таркибига кўра оғир қумоқ, кам шўрланган, оч тусли бўз, азалдан суғориладиган ҳисобланади. Сизот сувлари 3-5 метр чуқурликда жойлашган.

Наманган ҳудуди шароитида “Тўрақўрғон-4” ғўза навларининг элита уруғчилик кўчатзорлари 90X20-1 тартибида мўтадил давирда экилди. Тажриба қуйидаги тартибда олиб борилди.

2.1.1-жадвал. 2015 йил январ-сентябр ойларидаги ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ёгингарчилик миқдори. (Наманган гидрометеорология бошқармаси маълумотлари).

№	Ойлар	Ўртача ҳавонинг ҳарорати								Ёгин миқдори, мм			Ҳавонинг нисбий намлиги, %			Вегетация даврида Самарали ҳарорат йиғиндиси		
		10 кунликда			Ойлик ўртача	Қўп йиллик ўртача	Қўп йиллик ўртачадан фарқи	Энг юқори ҳарорат	Энг паст ҳарорат	Ойлик	Қўп йиллик ўртача	Қўп йиллик ўртачадан фарқи	10 кунликда			2015 йил ўртача	Қўп йиллик ўртача	Қўп йиллик ўртачадан фарқи
		1	2	3									1	2	3			
1	Январ	4.1	2.1	4.5	3.6	-2.5	+7.0	15.4	-6.5	8.8	25	-16.2	65	72	58			
2	Феврал	3.5	-3.0	8.8	4.9	0.8	+4.1	15.5	-13.0	84.1	21	+63.1	77	83	80			
3	Март	12.3	12.7	10.0	11.7	8.8	+3.0	23.5	0.0	18.4	30	-11.6	88	65	67			
4	Апрел	16.5	17.8	21.7	18.6	16.3	+2.3	32.5	9.8	14.6	22	-7.4	61	59	49	260.2	187.7	+72.5
5	Май	20.4	21.3	21.3	21.0	21.4	-0.4	34.0	12.0	53.5	21	+32.5	65	58	57	609.4	539.5	+69.9
6	Июн	23.7	27.1	27.5	26.1	25.5	+0.6	37.8	14.5	46.4	9	+37.4	55	51	47	1099.9	1039.5	+60.4
7	Июл	18.6	29.6	26.6	28.2	26.9	+1.3	40.0	19.0	0.1	6	+5.9	45	38	47	1664.4	1575.0	+89.4
8	Август	28.0	28.7	25.0	27.2	25.0	+2.5	36.5	16.0	0.1	2	+1.9	47	46	42	2200.8	1981.0	+219.8
9	Сентябр	27.2	17.5	19.6	21.4	20.2	+2.2	36.0	11.4	9.3	3	+9.0	42	59	47	2545.1	2331.0	+214.1
	Жами															2545.1	2331.0	+214.1

Тажриба даласида униб чиққандан бошлаб қуйидагича кузатув ишлари олиб борилди:

- 100 фоиз ниҳолларни униб чиқиши;
- 1 июн, июл, август, сентябрда ғўзани ўсиши ва ривожланиши;
- шира билан зарарланиши;
- ўргимчаккана билан зарарланиши;
- кўсак қурти билан зарарланиши фоизларда ҳисобланди;
- ғўзанинг 50 фоиз гуллаши;
- 50 фоиз кўсакларни очилиши;
- совуқ тушгунча пахта ҳосили;
- умумий ҳосили ҳисобланди;
- ҳар бир оиладан 50 дона кўсак пахтасидан иборат намуна териб олинди.

Намунадан тола узунлиги, тола чиқиши, бир дона кўсак пахтасини оғирлиги ва толанинг технологик хусусиятлари аниқланди.

Пахта теримидан 3 кун илгари навнинг қимматли-хўжалик белгилари, тола узунлиги, салмоғи ва технологик сифатларини аниқлаш учун лабораторияга намуналар териб олинди.

2.2.1-жадвал. Кўчатзорларда ғўза навларининг жойлаштириш тартиби ва экилган оилалар сони.

Тажриба ўтказилган ташкилот номи	Ўза нави	Кўчатзорлар	Экилган оила сони, дона
ПСУЕАИТИ Наманган ИТС	"Тўрақўрғон-4"	1-йилги уруғлик кўчатзори	700
		Уруғликка кўпайтириш Кўчатзори	95

Соғлом, нормал ўсган ўсимликларни ҳар бир оиласидан 100 тадан кўсак териб олинди, элита кўчатзорларида уруғлик пахта 3-8 ҳосил шохларидан терилди. Уруғлик кўчатзорларида ҳосил куйидаги тартибда йиғилди: дастлаб намуна нусхалар терилди, сўнгра яроқсиз оилалар, шундан кейин якка танланган туплардаги ва охирида яроқли оилаларнинг ҳосили алоҳида халталарга териб олинди.

Уруғликка кўпайтиришда ҳам ўсимликни 3-8 ҳосил шохларидан териб олинди. Бу ерда терим яроқсиз оилалар ва айрим ўсимликлар ҳосилини йиғишдан бошланди, шундан кейин яроқли оилалардаги уруғлик пахта териб олинди ва элита уруғлик материал сифатида пахта заводида топширилди.

Навдан соғлом қолган оилалардан навбатдаги-келаси йил учун 1-йилги кўчатзордан намуна ва оила, 2-йилги кўчатзордан якка танлов териб олинди. Кўчатзорларда совуқ тушгунча ва совуқ тушгандан кейинги умумий ҳосилдорлиги ҳисоб-китоб қилинди ва бир туп ўсимликни ҳосилдорлиги аниқланди.

Юқоридаги олинган уруғлик материаллар, намуналар селекция йўриқномаси бўйича лаборатория таҳлилидан ўтказилди. Яхши кўрсаткичга эга бўлган оилалар 2016 йилда экиш учун қолдирилди.

Кўчатзорларда оилалар бўйича қуйидагича кузатув ишлари олиб борилди: Ёўза ниҳолларини 100 фоиз униб чиқиши. 1-июн, 1-июл, 1-август, 1-сентябрда ўсимликларни ўсиши, ривожланиши, 50 фоиз гуллаши, 50 фоиз кўсакларни очилиши ва оилаларни кўчат қалинлиги ҳисобланди. Пахта ҳосили 4 терим билан яқунланди. Ҳамма кўчатзорларда уч маротаба навдорлиги бўйича кўрик ўтказилди. 1-гуллаш даврида, 2-кўсаклар очила бошлаганда ва 3-пахта теримдан олдин. Бунда йўриқномада кўрсатилганидек, айрим оилалар ҳисобдан чиқарилди, айримларидаги 1-2 дона нотипик ўсимликлар юлиб, олиб чиқиб ташланди. Кўчатзорларда текширув вақтида нотипикларидан ташқари, ўсишдан орқада қолаётган, вилт ёки гоммоз билан қаттиқ зарарланган, кам ҳосилли, кечпишар оилалар ҳам яроқсиз деб топилди. 2 фоиздан ортиқ нотипик ўсимликлари бор оилалар

яроксизга чиқарилди. Бундай оилалар дала дафтарига белгиланди ва оилаларнинг қаторидаги бошланғич ва охирги ўсимлигига ёрлик осиб қўйилди. Ярокли оилалар белгилаб олинди ва улардан келгуси йил уруғлик кўчатзорида экиш учун якка танланди ҳамда уруғлик тайёрланди.

Кузатув ва ҳисоб-китоблар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ-2007), уруғчилик бўйича бажарилган тадқиқотлар “Қишлоқ хўжалик экинларини нав синови” (1971), услуби бўйича олиб борилди. Тадқиқот маълумотларининг математик ишлови Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (М. Колос, 1985) услуби асосида бажарилди

2.3. Уруғлик пахтанинг ифлослиги, намлиги ва шикастланиши меъёрлари.

Уруғлик пахтани пахта тозалаш заводларининг тайёрлаш масканларида қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқариш сеҳларида қайта ишлаш ва уруғлик чигитни тайёрлаш «Уруғлик пахтани қайта ишлаш ва уруғлик чигитни тайёрлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси» (ПДҚИ-44-2002) асосида амалга оширилади.

Уруғлик пахтани қабул қилишда олдин пахта тозалаш заводларида уруғлик пахта учун ажратилган омборхоналар, ғарам майдончалари, зараркунандаларга қарши дезинфексия ва дезинсексия қилинади. Брезентлар фумигацияланади (кимёвий ишлов бериш). Уруғлик пахтани, элита уруғларини ташиш ва сақлаш учун янги қоплар тайёрлайди.

Пахта тозалаш заводи ва пахта тайёрлаш масканларининг ишчи-ходимлари ўртасида уруғлик пахтани қабул қилиш, тўдаларга ажратиш, сақлаш ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича инструктаж-маслаҳат ўтказилади.

Пахта терими бошланишидан 15 кун олдин тузилган комиссия а’золари пахта тозалаш заводининг мавсумига тайёргарлигини текшириб, ўз фикрларини билдиради.

Уруғлик пахтанинг селекцион нави, тола типи, пахта синфи ва репродукцияси давлат стандарти ЎзРСТ 615-94 талабларига асосан қабул қилинади.

Уруғлик пахта ифлослиги, намлиги ва чигитларининг механикавий шикастланишига асосан икки синфга (1,2) ажратилади ва 2.4.1-жадвалда берилган норматив кўрсаткичларга тўғри келиши керак:

Уруғлик пахтанинг синфи ифлослиги ёки уруғининг шикастланишини энг ёмон кўрсаткичи бўйича аниқланади. Уруғлик маҳсулот тайёрлаш учун чигитли пахтанинг элита, Р-1, Р-2, Р-3 репродукцияларидан фойдаланилади.

Айрим пайтларда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг рухсати билан уруғлик пахтанинг Р-4, Р-5 репродукцияларини ҳам ишлатиш мумкин.

2.3.1-жадвал. Синфи бўйича уруғлик пахтанинг кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичларнинг номи	1-синф	2-синф
1.	Ифлослиги, % кўп емас	3,0	8,0
2.	Намлиги, % кўп емас	8,0	9,5
3.	Уруғнинг шикастланиши, %	0,5	1,0

Давлат стандарти ЎзРСТ 615-94 да кўрсатилган талаблар асосида уруғлик пахтанинг кондицион вазни бўйича тўда (партия)га ажратилиб қабул қилинади. Қабул қилиш пайтида уруғлик пахтанинг олдиндан текширилганлиги (апробация қилинган) ва даладан терилганлиги тўғрисида ҳужжат (акт) бўлиши шарт.

Хўжаликлардан қабул қилинган уруғлик пахта, хом ашёни тайёрлаш режаси ва олдиндан текшириш натижалари асосида тўдаларга ажратилиб, махсус очиқ ёки ёпиқ омборларда ишлаб чиқаришга берилгунгача сақланади.

Уруғлик пахтанинг сифат кўрсаткичларини назорат қилиш қуйидаги норматив ҳужжатлар асосида олиб борилади:

ЎзРСТ 643-95 –қабул қилишда намуна олиш; ГОСТ 21820.0 - тайёрлашда ва ташишда намуна олиш; ЎзРСТ 644-95 - намлигини аниқлаш;

ЎзРСТ 592-92 - ифлослигини аниқлаш; ЎзРСТ 593-92 - ранги ва ташқи кўринишини аниқлаш;

ГОСТ 21820.3 - чигитнинг механик шикастланишини аниқлаш. Уруғлик пахтани сақлаш даврида пахта тайёрлаш масканларининг лабораторияси ва пахта тозалаш заводи «Техник назорат бўлими» (ТНБ) ходимлари томонидан омбордаги ёки ғарамдаги чигитли пахтанинг ташқи кўриниши ҳамда ҳароратини ўлчаш ва кузатиш асосида доимий назорат олиб борилади. Агар уруғлик пахтани сақлаш давомида қандайдир ҳамда салбий ўзгаришлар юз берса, зудлик билан чора кўрилиши лозим.

3. УРУҒЛИК ПАХТАНИ САҚЛАШ

3.1. Уруғлик пахтага қўйилган стандарт талаблар ва уни сақлаш тартиби.

Пахта қабул қилиш пунктларида пахтани тўғри ва ва узок вақт сақлашни ташкил қилиш ва ундан олинадиган чигит, тола ҳамда бошқа хом ашёларнинг сифатини яхшилаш шароитларидан бири уни омборларга жойлаштиришда намлигининг Давлат стандарт кўрсаткичлари талаби даражасида бўлишидир. Пахтани жойлаштириш ва сақлашда унинг саноат сорти, териш усули ва намлиги ҳисобга олинишини кузатдик.

Намлиги 20 % дан юқори бўлган пахта қуритиш-тозалаш цехига яқин жойга вақтинчалик уйиб қўйилади ва тезда қуритилиб пахта тозалаш заводида қайта ишлашга жўнатилади. Қуритиш тозалаш цехининг иш унумини ошириш мақсадида одатда пахта тайёрлаш пунктида намлиги 14 % гача бўлган хом ашё тозалаш цехи жойлашган ерга, 14 % дан юқори намликка эга бўлган хом ашё эса қуритиш-тозалаш цехи жойлашган ерга жойлаштирилади.

Чигитли пахта фақат қулай об-ҳавода қуруқ майдонларда ғарам қилинади. Пахтанинг намлиги юқори бўлган ерларда, айниқса ер ости сувлари яқин жойлашган жойларда ва жуда нам бўлган пахталарни ғарам қилиш унинг сифатининг тез бузилишига олиб келиши аниқланган. Чигитли пахтани ёпиқ омборларда сақлаш вақтида, намлиги 11 % гача бўлган 1 ва 2 сорт пахта учун унинг ўртача зичлиги $-150-190 \text{ кг/м}^3$ ва намлиги 14 % гача бўлган 3 ва 4 сорт пахта учун $130-160 \text{ кг/м}^3$ бўлиши кераклигини билган ҳолда пахталар ғарамланади.

Чигитли пахтани очиқ майдонларда сақлаш учун пахта тайёрлаш пункти ҳудудида ер юзасидан 40 см кўтарилган махсус ғарамлаш майдончаларига жойланди. Пахтани ғарамларга жойлаш қуйидаги тартибда бажарилади. Бунтда уруғлик пахталар алоҳида ажратилган жойларга селекцион нави, етиштирган жойи, саноат нави, терим турга қараб қуйидагича жойланади.

Пахтани сақлайдиган майдончалар 50 мм қалинликда асфалт қилинади ёки 150 мм қалинликда йирик тош териб ораси майда шағал билан тўлдирилади. Ғарамлаш майдончаларининг ўлчами 25x14 м бўлади. Унинг ўртаси ёмғир сувларининг оқиб кетиши учун 7-10 см кўтарилган бўлиши лозим. Майдончадан 0,7 м узоқликда оқова каналлари қилиб қўйилади.

3.1.1-жадвал. Тажриба ғарамларидаги пахтанинг намлиги

Ғарамнинг чуқурлиги бўйича		Ғарамнинг баландлиги бўйича	
Пахта намунаси олинди, (метр) ёнига чуқурликдан	Намлиги, %	Пахта намунаси олинди	Намлиги, %
№1 партия. Жамлаш давридаги намлиги 8 %			
0,5 м четдан	7,2	Пастдан 0,15 м дан	9,4
1 м четдан	6,7	1 м	6,6
2 м четдан	6,7	4 м	6,9
3 м четдан	6,6	6 м	7,2
5 м четдан	6,6	8 м	7,3
7 м четдан	6,6	Ғарам устидан	7,9
№2 партия. Жамлаш давридаги намлиги 8,2 %			
0,5 м четдан	7,0	Пастдан 0,15 м дан	9,8
1 м четдан	7,0	1 м	7,0
2 м четдан	7,0	4 м	7,0
3 м четдан	7,0	6 м	7,3
5 м четдан	6,7	8 м	7,5
7 м четдан	6,3	Ғарам устидан	8,3

Олиб борган кузатишлар натижасига кўра, қабул қилинган пахталарнинг сақланиш даврида қизиш ҳолатларининг қандай кечиши ҳақида маълумотлар олинди.

Бунда тажриба тариқасида иккита партиядоги ғарамлар олинади. Бу ғарамларда синов ўтказган даврда 1-партияда умумий намлиги 8,0 % ни ва 2-партияда 8,2 %ни кўрсатди. Олинган маълумотлар бўйича ҳар иккала вариантда ҳам ғарамнинг чуқурлигига қараб намликнинг камайиб бориши кузатилди. Бунга сабаб, пахта маҳсулоти гигроскопик маҳсулот ҳисобланади. Шунинг ҳисобига ташқи муҳит шароитига қараб ғарамнинг ташқи қисмидаги пахталар намлиги ўзгариб турар экан. Агар ташқи томондаги пахта намлиги 1-партияда 8,7 % бўлган бўлса, 7 метр чуқурликдаги пахта намлиги 6,6 % ни кўрсатди. 2-партиядаги пахта ҳам худди шунга ўхшаш 8,0 ва 6,3 % бўлиши кузатилди.

Ғарамнинг баландлиги бўйича тажриба синови ўтказилганда ҳам шунга ўхшиш ҳолат аниқланди. Бунда 1-партияда энг пастида (0,15 м да) 9,4 % бўлган бўлса, 8 м баландлигида 7,9 %. 2-партияда ҳам шунга ўхшаш 9,8-8,3 бўлиши аниқланди.

Биз тажриба ўтказган ғарамлар асосан қўл терими пахтаси бўлиб, улар қабул қилишда 1-сорт пахталар намлиги стандарт талабига мос келиши аниқланиб қабул қилинган.

Машинада терилган пахталарда эса бу кўрсаткич бўйича маълумотлар бирмунча юқори бўлиши кузатилади қўл теримида пахтанинг ички қисмига қараб пахта намлиги 2,0-2,5 % фарқ қилган бўлса, машинада терилган пахта партияларида 3,5-4,0 % гача фарқ борлиги кузатилди.

Ғарамларни шакллантиришда пахтани, айниқса машинада терилганини ғарамнинг ҳамма жойига бир хил жойлаштириш ва шиббалаш муҳим аҳамиятга эга экан. Майдончага пахта транспортёр ёрдамида ташланади ва қўлда унинг юзаси маълум қалинликда текисланиб турилади. Ғарамнинг қийшайиб кетмаслиги, деформацияланмаслиги ва ёриқлар ҳосил бўлмаслиги учун пахтани шиббалашга унинг қалинлиги 0,8-1,0 м бўлганда киришилади.

Пахта ғарамининг ёнидан 0,5 м дан 2,5-3,0 м гача шиббаланади, ғарамнинг ўртаси шиббаланган қисмдан юқори бўлиб, пахтанинг ва бунтда ишловчиларнинг оғирлиги билан зичланади. ғарамнинг ён деворлари текис

бўлиши муҳимдир. Бунинг учун ғарамнинг ён деворлари узун чўплар билан таралиб турилади. Ғарамлаш майдончасининг атрофлари тўкилган пахтанинг ифлосланмаслиги учун асфалт қилинади ёки эни 1,5-2,0 м брезент тўшаб қўйилади. Ғарамлаш майдончаларига пахтани жойлаштиришда уларни қабул қилиш шароитига ҳам риоя қилиниши керак. Бир кунда битта ғарамга 50-60 т пахтани шиббалаш ва битта ғарамга пахта жойлаштиришни 10 кунда амалга ошириш кераклиги назорат қилинади.

Ғарамга пахта жойлаштириб бўлингандан сўнг унинг учки шапкаси 2,0-2,5 м баландликда конуссимион қилиб қўйилади. Бу эса уларни брезент билан ёпганда ёмғир сувларининг тўпланиб қолишидан сақлайди.

Пахтани узоқ вақт сақлашда ғарамларни брезент билан тўғри ёпиш муҳим аҳамиятга эга экан. Очиқ майдонлардаги ғарамларни ёпишда ўлчами 8,5х7,0 м бўлган брезентдан фойдаланилади. Брезентлар иплар ёрдамида тортилади. Маълум вақт ўтиши билан ҳар 2-3 кунда иплар яна таранг қилиб тортилади.

Ғарам қилингандан 10-12 кундан сўнг унинг ўртасидан узунасига баландлиги 1,8-2,0 м ва эни 0,8-1,0 м ли туннел ковланади. Ёпиқ омборларда сақланадиган пахта учун ҳар бир бўлим ўртасида битта қудуқ ковланади ва ораси очиб қўйилди.

Ҳаво ҳарорати 25-30⁰ С дан юқори бўлган кунларда ҳавони тортиш кечаси ёки эрталаб ўтказилгани маъқул. Ҳавонинг нисбий намлиги 85 % дан юқори бўлганда профилактик тадбирлар (ҳавони тортиш) ўтказилмаслиги мумкин.

Нам пахтани ғарамларга жойлаштириш ва ўз вақтида ҳавони тортмаслик оқибатида пахта ўз-ўзидан қизий бошлайди. Натижада толанинг ранги ўзгаради, сорти пасаяди, уругнинг сифати ҳам кескин пасайиб кетиши мумкинлиги аниқланган.

Шунинг учун сақланаётган 1 ва 2 сорт пахтани ҳар 10 кунда, 3 ва 4 сорт пахтани ҳар 5 кунда текшириб туриш керак.

Сақланаётган пахтанинг ҳароратини аниқлаш учун термошчупдан фойдаланиб, ғарамнинг 8 нуқтасида 3м чуқурликда, ёпиқ омбор шийпонларда эса 4 нуқтада пахта баландлигининг ярмигача киритилиб ўлчанади. Агарда пахта ҳарорати иссиқ кунларда (сентябр-октябр ойларида) 25⁰С гача ва бошқа ойларда 20⁰С гача бўлса, нормал ҳисобланди. Пахтанинг ҳарорати келтирилган чегарадан юқори бўлса ёки иккинчи марта ўлчанганда олдинги ўлчовга қараганда 2-3⁰С ортиқ бўлса, уни албатта совитиш чораларини кўриш кераклиги тўғрисида раҳбариятга хабар қилинди.

КТ-2 кўчма қурилма эса ҳароратни аниқлашни анча енгиллаштиради ва ғарамда бўладиган иссиқлик жараёнларини назорат қилишнинг аниқ ўтказилишини таъминлайди.

Пахтанинг сифатли сақланиши толанинг табиий хусусиятларини ва чигитнинг сифат кўрсаткичларини бирмунча яхшилашга олиб келиши олинган маълумотларда ўрганилди. Чигитли пахтани дастлабки ишлаш жараёнида тола ва чигитнинг табиий хусусиятларини сақлаш ва олинадаган хом ашёларни давлат стандарти талабига мувофиқ бўлишлигини таъминлаш лозим экан.

Пахта саноати илмий-текшириш институти чигитли пахтани намлиги, сорти ва терим усулига қараб уч гуруҳга бўлиб дастлабки ишлашни тавсия этади. Тажрибада биринчи гуруҳга намлиги 14% дан юқори, машинада терилган 2 ва 3 сорт ҳамда қўлда терилган 3 ва 4 сорт пахталарни, иккинчи гуруҳга намлиги 14% дан кам бўлган машина ва қўлда терилган пахталарни, учинчи гуруҳга қўлда терилган 1 ва 2 сорт пахталар киритилди. Пахта тозалаш заводларида гуруҳлар бўйича пахтани дастлабки ишлаш жараёни алоҳида ўтказилади. Бунинг натижасида маълум технологик жараёнларнинг иш сифати ва самарадорлиги кескин ошиши кузатилади.

3.2. Уруғлик пахтани териш, тайёрлаш ва сақлаш.

Уруғлик пахтани териш, тайёрлаш ва сақлашни илмий асосланган тавсиялар асосида олиб бориш уруғлик чигит сифатини оширишнинг бош омилидир. Уруғлик учун экилган пахта майдонларидаги барча тадбирлар сифат кўрсаткичлари юқори бўлган уруғлик чигит олишга қаратилган.

Уруғлик пахтани териш ўзига хос алохида хусусиятларга эга. Ёўза кўсагининг ярус бўйлаб очилиши уни йиғиб-териб олишни анча тқийинлаштиради. Уруғлик пахтанинг сифати кўсакларнинг тупда жойланишига, зараркунанда ва касалликлар билан зарарланишига боглик. Ёўза тупининг ўрта ва пастки қисмида, иккинчи ва қисман учинчи конусда жойлашган кўсаклар энг қимматлидир. Бу кўсаклардан сифатли уруғлик чигит олиниши илмий маънбалардан малум. Уруғлик пахтани териш ва уни тошпириш стандарт талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Сифатли уруғлик олиш учун фақат соғлом ва нормал очилган кўсакдаги пахта териб олинади. Уруғлик чигитнинг сифатига ёўзанинг зараркунанда ва касалликлари салбий та'сир кўрсатади.

Уруғликка ажратилган пахта фақат қўлда териб олинади. Бунинг учун ҳар бир теримчига иккита-учта чўнтакли махсус этаклар берилади. Чўнтакларнинг бирига нормал, яхши очилган бошқасига эса ривожланмаган, касалланган ва зарарланган кўсаклардаги пахта териб олинади.

Уруғлик пахтани сифатли йиғиштириб олиш учун пахта териш меъёри асосий маҳсулот учун териладиган пахта меъёридан 20-25% га камайтирилади.

Уруғлик пахта қўлда бир-икки марта териб олинади. ёўзада 3-5 та кўсак тўлиқ етилиб яхши очилганда биринчи марта терилади. Пахта фақат тўлиқ очилган кўсаклардан терилади. Чала очилган кўсаклардан намлиги юқори ва пишмаган пахтани териш ман қилинади. Пахтани иккинчи марта ҳам ёўза тупида пишган, яхши очилган 3-5 та кўсак борлигида терилади. Уруғлик пахтани териб олишни 5-10 октабргача тугаллаш керак.

Уруғлик пахтани тайёрлов пунктларга жўнатилгунча бригада хирмонларида тўғри сақлаш чигитнинг сифатига ижобий та'сир кўрсатади. Асосий уруғлик пахтани ривожланмаган, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган пахталардан алоҳида сақланади. Улар тайёрлов пунктларида сақлашдан илгари бир-икки сутка давомида бригада хирмонларида офтобда қуритилади. Бу эса уруғнинг сифатини яхшилайдиган, унинг унувчанлигини оширади.

Иккинчи репродукция экилган майдонлардан уруғлик пахтани машина билан териб олишга рухсат этилади. Машина теримига ғўза барглари дефолиациядан кейин камида 80% и тўкилганда ва кўсакларнинг ўртача 70-75% и очилганда киришилади. Уруғлик пахтани машинада теришдан олдин ривожланмаган, зараркунанда ва касаллик билан зарарланган пахталар қўлда териб олинади.

Машинада терилган уруғлик пахтада шикастланган чигитлар миқдори 1% дан ошмаслиги керак.

Элита ва биринчи репродукция уруғлар тайёрлов пунктига янги қопларда тортилиб жўнатилади. Бунда ҳар бир қоп ичига нави, репродукцияси ва етиштирилган жой кўрсатилган ёрлик солиб қўйилади ва қоп устига ҳам шу мазмундаги ёрлик ёпиштирилади. Ривожланмаган ҳамда зараркунанда ва касалликлар билан зарарланган кўсаклардан терилган пахта тайёрлов пунктига алоҳида товар сифатида топширилади. Тайёрлов пунктларида уруғлик пахтани пахта майдонларидаги апробация натижаларига мувофиқ қабул қилинади.

Уруғлик пахтанинг толаси ташқи кўриниши ва толанинг узилиш кучига кўра пахтани қабул қилиш ва комплекшлаш стандарт талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Тайёрлов пунктларда уруғлик пахта намлиги ва ифлосланганлиги чегараланган меъёрдан зиёд бўлганда қабул қилинмайди.

Ривожланмаган ҳамда зараркунанда ва касалликлар билан зарарланган пахталар техник пахта сифатида қабул қилинади.

Уруғлик пахта 250-300 тоннали ғарам қилиб жойланади.

Бир хил уруғлик материал олиш учун сентябр ойида терилган уруғлик пахта октябрь ойида терилган уруғлик пахтадан алоҳида партия қилиб жойлаштирилади. Сентябрьда терилган пахтани партия қилиб жойлаштириш 15-20 кундан, октябрьда терилган пахтани эса партия қилиб жойлаштириш 10-15 кундан ошмаслиги лозим.

Уруғлик пахтани қабул қилишда пахта тозалаш заводининг уруғлик лабораторияси ҳар бир хўжаликнинг топширган пахтасидан чигитнинг пишганлиги ва унувчанлигини текшириш мақсадида намуналар олади. Намуналар уруғлик пахтанинг массасига қараб ҳар бир партиядан ёки унинг ма'лум қисмидан олиниши мумкин. Элита уруғларнинг ҳар 15, биринчи репродукция уруғларининг ҳар 30, иккинчи репродукция уруғларнинг ҳар 60, учинчи ва ундан кейинги репродукцияларнинг ҳар 150 тоннасидан намуна олинади.

Пахтанинг элита уруғлари хўжаликлардан қабул қилиб олинган қопларда сақланади. Сифати ҳар хил бўлган уруғлик пахта аралашиб кетмаслиги учун улар алоҳида омборларда сақланади. Биринчи репродукция уруғларининг массаси 200 т дан ортиқ бўлса, улар очиқ майдонларда бунт қилиниб янги брезент ёпилиб сақланади.

Уруғлик пахта сақланадиган ҳар бир омборда ёки бунтда жойлаштирилган уруғлик пахтанинг партияси ва массаси, нави, саноат сорти, репродукцияси, нав тозалиги, дала апробация гуруҳи, омбор ёки бунт рақами, комплектлашнинг бошланиши ва охири, қўл ёки машина терими, товаршуноснинг фамилияси ёзилган паспорт ўрнатилади.

Уруғлик пахтани сақлаш даврида ҳар 10 кунда унинг ҳарорати ўлчаб турилади. Агар уруғлик пахта сақланаётган бунтнинг 3 метр чуқурлигида ҳарорат 30°C дан ортиқ бўлса, бундай пахта шамоллатилади. Уруғлик пахта тайёрлов пунктидан пахта тозалаш заводларига махсус транспортларда ташилади.

3.3. Уруғлик пахтани бунда сақлаш ва сақлаш доврида унинг сифат кўрсаткичларини ўзгариши.

Уруғлик пахтани сақлаш усуллари: Маълумки, янги терилган уруғлик пахталар қайта ишлангунча тайёрлов пунктларида толадан ажратилмаган ҳолда сақланади. Уруғлик пахталарни тайёрлашни ташкил қилиш тўғрисидаги қўлланмага биноан уруғлик пахталар омборларда сақланиши лозим.

Бироқ, омборлар етишмаслиги туфайли иккинчи ва ундан юқори репродукцияли уруғлик пахталарни усти нам ўтказмайдиган брезентлар билан ёпилган бунтларда сақлашга рухсат этилади. Нав, репродукция ва дала туркумига қараб, ҳар бир хўжаликдан қабул қилинган уруғлик пахталар алоҳида бунтларда сақланади.

Районлаштирилган навларнинг элита, янги навларнинг элита ва биринчи репродукцияли пахталарни тоза, куруқ ва қулуфланадиган омборларда фермер хўжаликларидан келтирилган янги қанорларда сақланади. Районлаштирилган навларнинг биринчи репродукцияли пахтаси алоҳида куруқ омборларда қоплардан тўкилган ҳолда сақланиши ҳам мумкин.

Умуман, ҳозирги вақтда уруғлик пахталарни бунтларда сақлаш энг кўп тарқалган усулдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, элита уруғлик пахталари асосан омборларда сақланиши керак. Сўнгги вақтларда уруғлик пахталарни бунтларда сақлаш усули кенг тарқалганига қарамай, шу вақтга қадар ҳар хил усулда сақланган уруғлик пахталардан олинган чигитларнинг уруғлик сифати ва ҳосилдорлиги ўрганилмаган. Шунинг учун 2014-2015 йилларда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Оқтош пахта тозалаш заводида уруғлик пахталарни бунтларда сақлаш муддати ва ундан олинган чигитларнинг уруғлик сафатини ўрганиш мақсадида алоҳида тажрибалар ўтказилди.

Пахта сақланадиган майдончаларни яшаш. Қўлланмага биноан стандарт бунтларнинг ҳажми 25х11 метрдан иборат бўлади. Агарда пахта заводи ва пунктларда бунт майдони бундай ҳажмда қуришга ноқулай бўлса, баъзи жойларда оз миқдорда уруғлик пахталарни ғарамлашга тўғри келса, у ҳолда 10х11 метр ҳажмдаги бунтлар ҳам ясалади.

Бунт супаси (майдони) тўғри бурчакли бўлиб, ер сатҳидан 40+50 см кўтарилади. Бунт супасини қурушда нам ўтказмайдиган асфалт, тош, шағал, майдаланган тош, шлак, толалардан фойдаланади.

Уруғлик пахталарни ғарамлаш. Уруғлик пахта бунтга лентали транспортёр орқали берилиб, бунт сатҳининг ҳаммаси барабар ёпилади. Бунтларнинг кўтарилиб бориши билан унинг устидан 1-1,5 метр ичкарисида бунт деворларини мустахкамлаб борилади. Пахта бунтининг баландлиги 6-7 метр кўтарилгандан сўнг бунт учи 2-2,5 метр баландликдаги учбурчак шаклида қилиб, тугалланади. Шундай қилиб, тугалланган бунтларнинг баландлиги 9-9,5 метр бўлиб, бунт ўз оғирлиги билан чўкканидан сўнг 7,5-8 метрга тўғри келиб қолади.

Бунт деворларининг текис чиқишига алоҳида аҳамият бериш керак. Агар бунт деворларининг бир ери чиқиб, бир ери ичкарига кирган бўлса, у ҳолда бунтларнинг ағдарилиши мумкин. Бунт деворларининг тиклиги 85⁰ дан кам бўлмаслиги лозим.

Бунтлар мустахкам бўлиши учун, биринчидан, транспортёр ва қоплардан тўкилган пахталар яхшилаб титилиб, бутун бунт юзасига тарқатилиши, иккинчидан, бунт чеккалари обдон зичлаштирилиши керак.

Бунтларда сақланадиган пахтанинг ҳажмий оғирлик миқдори омборларга тўкиб сақланадиган пахтанинг ҳажмий оғирлиги билан бир хил бўлмайди. Фарқ пахта навига, пахтанинг саноат сортига ва намлигига боғлиқдир. Пахтани бунтларга ғарамлаш ва уни сақлаш вақтида устки қисми остки қисмини катта куч билан босиб, бунтни яна ҳам зичлаштиради.

Омборларга тўкиб, сақланган биринчи сорт пахталарнинг ўртача ҳажмий оғирлиги ўрта толали навларнинг пахтаси учун 160-180 кг/м³ ва ингичка

толали навларининг пахтаси учун 180-200 кг/м³ га тўғри келади. Бунтларда сақланадиган ўрта толали навлар пахтасининг ҳар бир куб метр ҳажми 200-220 килограммга, ингичка толали навлар пахтасининг ҳар куб метр ҳажми эса 220-240 килограммга тўғри келади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, пахтани бунтда сақлаш анча қулайлик туғдиради. Масалан: 24х14х8 ҳажмдаги бунт 2688 куб метрга тенг бўлиб, унда сақланадиган пахтанинг ўртача оғирлиги 538-591 тоннага тенг келади. Шу миқдордаги пахта сақланадиган омбор 3285-3360 куб метр жой талаб қилади.

Адабиётларда келтирилган кўп йиллик маълумотларга кўра, бунтларда сақланадиган уруғлик пахталарнинг миқдори 250-300 тоннадан ошмаслиги керак. Одатда 400-500 тонналик бунтларни ғарамлаш учун кўп кун сарфланади, бу эса ғарамланаётган пахтанинг уруғлик сафати пасайиб кетишига сабаб бўлади. Чунки, 20-25 кун давомида ғарамланган бунтларга гўзанинг пастки қисми (1-4- шохидан терилган пахталар билан устки қисми (5 ва ундан юқори бўлган шохлар) дан терилган пахталар аралашиб кетади. Уруғлик пахта чигитининг сифати бир хил бўлишини таъминлаш учун уруғлик партиялар ғарамини 10-15 кун давомида тугатиш мақсадга мувофиқдир.

Бунтдаги пахта миқдори қанча кўп бўлса, уни ғарамлаш вақти шунча кечикади. Масалан, 670 тонналик пахта партиясини 25 кунда ғарамланган бўласа, 599 тонналик пахта партиясини 21 кунда ғарамланган.

Яна бошқа ҳолатда 658 тонналик партияни 28 кунда, 450 тонналик партияни 23 кунда, 286 тонналик партияни 17 кунда, 241 тонналик партияни 7 кунда ва 237 тонналик партияни эса 6 кунда ғарамланган.

Фермерлар топширган уруғлик пахтанинг репродукциясига ва ундан олинган чигитнинг униш миқдорига қараб ҳақ тўланади. Уруғлик пахталарни 500-600 тоннадан қилиб узоқ муддат ичида ғарамланганда униш миқдори биринчи (95-100%) ва иккинчи (90-94%) класс бўлган чигитлар аралашиб

кетади. Натижада уруғлик пахта етказиб берувчи хўжаликлар моддий зарар кўришлари мумкин.

Бунтда сақланган уруғлик пахтанинг ҳарорати. Уруғлик пахтани териш, қурутиш ва бунтларга ғарамлаш вақтидаги ҳаво ҳарорати билан намлиги уруғлик пахталарни сақлаш даврида муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибаларга кўра, пахта бунтларида доимо юқори ҳарорат сақланади. Пахтани сақлаш давридаги ҳарорати унинг бунтларга ғарамланаётган давридаги ҳаво ҳароратига узвий боғлиқдир. Бироқ, ҳарорат ҳамма бунтларда бир хил бўлмайди, яъни сентябрнинг биринчи кунларида ғарамланган бунтларда ундан сўнги даврда ғарамланган бунтларга нисбатан юқори бўлади.

Тажрибадан маълумки, ҳарорат бунтнинг марказий қисмида бўлиб, ғарамлангандан сўнг 1-1,5 ой давомида бунтнинг 3 метр чуқурликдаги пахта ҳарорати унинг ғарамланаётган вақтдаги ўртача ҳаво ҳароратидан $10-15^{\circ}$ ортиқ бўлади. Бунтнинг марказий қисмидаги ҳарорат пахта ғарамланаётган вақтдаги ҳавонинг энг юқори ҳароратидан $1-2^{\circ}$ юқори бўлади. Сўнги вақтда ғарамланган пахта бунтларининг ҳарорати эса, аксинча, $1-2^{\circ}$ кам бўлади.

Пахта бунтларининг марказий қисмидаги юқори ҳарорат бир хилда узоқ сақланмай, аста –секин пасая боради. Бунтларда ҳарорат тез пасаяди ва 3-4 ой сақлангандан сўнг, бунтларнинг ғарамланган вақтидан қатъий назар, ҳамма бунтларнинг марказий қисмидаги ҳарорат деярли тенглашади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, пахта бунтининг ҳамма ерида ҳарорат бир хил бўлмайди. Агар бунтнинг марказий қисмида дастлабки вақтларда ҳарорат $30-38^{\circ}$ га тенг бўлса, бунтнинг 0,5 метр чуқурлигида $19-22^{\circ}$ бўлса 1 метр ичкарасида $25-30^{\circ}$, 2 метрда $27-33^{\circ}$ ва 3 метрда эса $30-38^{\circ}$ га тенг бўлади. Бунтдаги бундай юқори ҳарорат ноябр, декабр, январ ойларидаги ҳавонинг совуқ вақтида ҳам сақланади. Бунга асосан пахталарни бунтларга босиб ғарамлаш натижасида бунтда сақланаётган пахта ўзига ташқи шароитдан ҳаво ўтказмаслиги сабаб бўлади. Фақат бунтнинг чеккасидаги

харорат 4-5 ой сақлангандан сўнг аста–секин пасая бориб, 0,5 метрдаги харорат ташқи шароитдаги ҳаво хароратига тенглашади.

Биз юқорида бунтнинг 0,5 метрдан то 3 метргача бўлган хароратини кўрдик. Пахта бунтининг энг марказий қисмидаги, яъни 5,5 метр (эни 11 метр бўлган бунтлар учун) ичкаридаги хароратни билиш учун бунтлардаги уруғлик пахталарни қайта ишлаш учун бузилаётган вақтда энига 0,5 метрдан то 5,5-7 метргача чуқурликдаги ва 15 сантиметрдан то 8 метргача баландликдаги пахта харорати ўлчанади. Бунда бунтнинг марказий қисмида хароратнинг яна ҳам баландлиги маълум бўлди. (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал. Бунтларни бузиш вақтида ҳар хил чуқурлик ва баландликда сақланган пахтанинг харорати

Бунтни бузиш вақти	Бунт эни, метр						Бунт баландлиги , метр					
	0,5	1	2	3	5-5,5	7	0,15	1	3-4	6	8	Бунт усти
20.02.	12	16	19	24	28	31	26	30	28	24	18	12
11.03.	12	15	1	20	25	29	24	28	27	21	15	13
30.03.	12	16	14	18	22	-	20	24	18	-	-	12
3.04.	16	12	13	17	20	-	18	22	18	-	-	18

3.3.1-жадвалга кўра, 20 февралда бунтнинг 3-метр чуқурликдаги харорати 24⁰ бўлса, бунтнинг энг марказий қисми -7 метрда эса 31⁰, худди шунга ўхшаш 11 метрда бунтнинг 3-метр чуқурликдаги харорати 20⁰, 7 метр чуқурликдаги харорати 29⁰ бўлган. Шундай қилиб, 5-6 ой сақланиб бузилган бунтларнинг марказидаги харорат сақлашнинг дастлабки вақтида 3 метр чуқурликда бўлган хароратдан 2-3⁰ паст бўлганлиги аниқланган.

Ҳарорат бунтнинг остки қисмидан устки қимига қараб пасайиб боради. Энг юқори харорат бунтнинг 1 метрдан то 4 метргача бўлган қисмида сақланади.

Бунтда сақланган пахтанинг намлиги. Маълумки, пахта ташқи муҳитдаги намликни ўзига тез тортиб олиш хусусиятига эга. Айниқса, яхши босилмай бўш ҳолатда сақланган пахта намни кўпроқ шимади. Шунинг учун

хам омборда сақланган пахтанинг нами 10% гача кўтарилади. Бунтларда сақланган пахтанинг нами омборда сақланган пахта намига нисбатан 3% гача кам бўлади. Бунтда сақланган пахта нами уни бунтга ғарамлаш вақтидаги бошланғич намига нисбатан 1,9% гача кам бўлади. Пахта нами бунт чеккасидан ўрта қисмига қараб камайиб боради. Ердан намни шимганлиги туфайли бунтнинг энг остки қисмида сақланган пахта сернам бўлади.

Бунтда сақланган пахта нами билан ҳароратини бир-бирига таққослаб кўрсак, у ҳолда ҳарорат қанча юқори бўлса пахта нами шунча кам бўлганлигини кўрамиз. Демак, бунтда юқори ҳароратда узок муддат сақланганда пахта қурийди.

Бунтда сақланган пахта чигитининг унувчанлиги. Пахта бунтларидаги юқори ҳарорат уруғлик чигит сифатига ижобий таъсир этиб, унинг етилиши омборларда қопда сақланган пахта чигитига нисбатан тез ўтади. Шу билан бирга бунтларда сақланган пахта чигитининг кўпи пишган бўлади.

Маълумотларга кўра, бунтларда сақланадиган пахталарда биринчи гурпуага талуқли пишган чигитлар кўп бўлади. Бироқ, бунтнинг барча қисмида ҳарорат бир хил бўлмаганлиги туфайли, ундаги пишган чигитларнинг миқдори пахта бунтининг қайси қисмида сақланганлигига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, омборда сақланган пахтада пишган чигитларнинг миқдори 86% бўлса, бунтнинг 0.5 метр чуқурлигида сақланганда пишган чигитлар миқдори 94% ва 3 метр чуқурликда сақланган пахтада эса пишган чигитлар 95% ни ташкил этади. Омборда ва бунтнинг 0,5 метр чуқурлигида 2 гурпуа, яъни яхши пишмаган чигитлар кўпроқ бўлади. Таҷрибаларга кўра, бунтларда сақланган пахтадан олинган чигитнинг униш мақдори омборларда сақланган пахта чигитига нисбатан юқори бўлади. Масалан, бунтнинг 1-1,5 метр чуқурлигида сақланган пахта чигитининг унувчанлиги 3 метр чуқурликда сақланган чигитига нисбатан 14-22% зиёд бўлса, 0,5 метр чуқурликда сақланган чигитнинг унувчанлиги 3 м дагига нисбатан 22-26% кам бўлади.

**3.3.2-жадвал. Омборда ва бунтнинг ҳар хил чуқурлигида сақланган
пахтадан олинган чигитнинг уруғлик сифати**

Пахта сақланган жой	Пишган чигитлар миқдори	Жумладан		Чигитнинг униши,%			1000 донна чигит оғир лиги , г	Чигит нинг намлиги,%
		I группа	II группа	2 кун	3 кун	5кун		
Бунтнинг 1-1,5м чуқурлигида	85	66	19	67	99	99	134	8,6
= ^ - 3 м - ^-	85	69	16	53	98	98	130	8,0
Бунтнинг 1-1,5 м чуқурлигида	84	63	21	80	98	99	131	8,0
= ^ - 3 м - ^-	88	70	18	58	98	98	130	7,8
Омбор контрол	86	64	22	52	92	95	123	10,5
Бунтнинг 0,5 м чуқурлигида	94	58	36	64	91	94	120	8,5
-^ = 3 м -^-	96	78	18	90	96	96	121	7,5
Омбор контрол	84	70	14	56	93	95	126	93
Бунтнинг 0,5 м чуқурлигида	92	72	20	57	94	96	123	9,6
-^ - 3 м -^-	91	76	15	79	91	91	122	7,5

Бунтнинг 0,5 метр чуқурлигида сақланган пахта чигитнинг унувчанлиги пастлиги, у ердаги 12-15⁰ иссиқлик чигитнинг етилиши учун етарли эмаслигини исботлайди.

Бунтнинг ҳар хил қисмида сақланган пахта чигитининг унучанлиги бир–биридан жуда катта фарқ қилади. Бу фарқ 1-партияда 34%, 2-партияда 13%, 3-партияда 28% ва 4-партияда 35% га тенг.

Энг яхши унучанлик хусусиятига эга бўлган чигит бунтнинг 1 метр ва ундан ичкарисада, бунт остидан то 6 метргача баландликда сақланган пахталардан олинади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бунтнинг энг остки қисмидан (бунт майдончасидан 15-20 сантиметр баландликдан) олинган чигитнинг унучанлиги кам бўлади. Чунки у ерда сақланган пахта ердан намликни шимиб олганлиги учун намлиги доимо ортиқча бўлади. Бу эса чигитнинг етилишини сусайтиради ва айрим ҳолларда чигитнинг чиришига сабаб бўлади.

Тажрибаларга кўра, бунтнинг 5 метр ва ундан ичкарисада 5-6 ой сақланган пахта чигити униш қувватини қисман йўқотади. Бундай ҳоллар пахта бунтининг 3 метр ичкарилиқдаги бошланғич иссиқлик ҳарорати 32⁰ дан юқори бўлган пахта ғарамлари айниқса кўп учрайди.

Кичик ҳажмдаги майдончаларда оз миқдордаги пахталарни бунтларда сақланганда ҳам чигит етилиши тез ўтади ва бу бунтларда ҳароратнинг унча юқори бўлмагани сабабли унинг марказий қисмида сақланган пахта чигитининг унучанлиги пасаймайди.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, сентябрнинг бошларидан бошлаб ғарамланган пахта чигитининг унучанлиги сентябрнинг охирларида ва октябрда ғарамланган пахта чигитига нисбатан 2-4 фоиз кам бўлади. Бунга сабаб бунт ва омборларда сақланган пахта намининг бир хил бўлмаслигидадир.

Бунтда сақланган пахта чигитининг ҳосилдорлиги. Бунт ва омборларда сақланган пахта чигитини дала шароитида синаб кўрилганда, бунтларда сақланган пахта чигитининг ўсиш тезлиги юқори бўлиши кузатилди.

Бунтда сақланган пахта чигитининг далада кўкариш миқдори контролга нисбатан ўртача 10,2% зиёд бўлиб, уялар тўлиқ бўлади. Демак, уруғлик

пахталарни бунтларда сақланганда ундаги иссиқ ҳарорат ва кам намлик чигитни тез униб чиқишини ва ўсиш тезлигини таъминлайди. Ҳосил бўлган ўсимликларни ривожланиши тез ўтади.

3.3.3-жадвал. Уруғлик пахталарни сақлаш шароитини чигитнинг унишига ва унинг ҳосилдорлигига таъсири

Пахта сақланади ган жойлар	Чигитнинг ўсиш тезлиги, %		Чигитнинг дала шароитида кўкариши, %	Гектардаги ўсимлик сони, минг	Пахта ҳосили, гектаридан ц	Контролга нисбатан, %
	Униш энергияси	Унув-чанлиги				
Омбор	12	68	45,1	75,9	42,0	100
Бунт	52	86	47,2	66,6	43,6	103,8
Омбор	4	79	71,1	81,6	42,2	100
Бунт	27	87	75,9	82,1	44,1	104,5
Омбор	8	83	67,7	80,0	41,6	100
Бунт	31	92	72,2	85,0	43,6	104,8
Омбор	6	77	67,5	83,5	41,5	100
Бунт	22	82	72,2	86,2	44,2	106,5
Омбор	8	27	42,2	69,5	40,6	100
Бунт	23	38	62,0	82,8	43,6	107,4
Омбор	13	28	43,0	71,6	41,3	100
Бунт	24	43	68,2	86,1	44,6	108,0
Ўртача:						
Омбор	8,5	60,3	56,1	77,2	41,5	100
Бунт	29,5	71,3	66,3	81,5	44,0	105,8

Бунтда сақланган пахта чигитидан ҳосил бўлган ғўзалар тез ўсиб ривожланиши натижасида 1-2 кун эрта гуллаб, эрта пишади, ҳосил шохлари ва кўсаклари кўп бўлади.

Тажрибаларга кўра, ҳар хил шароитда сақланган пахтадан олинган чигитлар экилганда гектаридаги ғўза тупи ва пахта ҳосили турлича бўлади.

Бунтларда сақланган пахтадан олинган чигит билан экилган майдонларда омборларда сақланган пахта чигитига нисбатан ғўза қалинлиги ўртача 4,3 минг туп кўп бўлади ва пахта ҳосили 2,5 центнер ошади.

Бунтда сақланган пахта чигитининг омборларда сақланган пахта чигитидан ҳосилдор эканлигини кўрсатиш билан бир вақтда бунтда сақланган пахта чигитининг ҳар хил ҳосилдорлик хусусиятига эга эканлигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Бунтнинг энг марказида сақланган пахта чигити гарчи омборда сақланган пахта чигитидан кам ҳосилли бўлади. Бунтнинг энг пастки, чекка қисмида сақланган пахта чигити айрим ҳолларда контролдан, яъни омборда сақланган пахта чигитидан кам ҳосил беради

Бунтнинг ўртасида ва остида сақланган пахта чигитининг кам ҳосиллигига сабаб, у жойларда 5-6 ой сақланган пахта чигитига юқори ҳароратнинг салбий таъсир этишидир. Бунт остидаги пахта чигити эса юқори ҳарорат ва намлик натижасида уруғлик сифатини қисман йўқотади. Бунтнинг ён атрофида сақланган пахта чигитининг кам ҳосилли бўлишига ҳароратнинг пастлиги сабаб бўлади.

Шундай қилиб, уруғлик пахталарни бунтларда сақлаш устида олиб борилган тажрибалар натижасига кўра, қуйдагича хулоса чиқариш мумкин.

Бунтда сақланган пахта ҳарорати унинг бунтга ғарамланаётган вақтдаги ҳаво ҳароратига узвий боғлиқ. Пахта бунтга ғарамланаётган вақтдаги ҳаво ҳарорати қанча иссиқ бўлса, пахта ҳарорати ҳам шунчалик иссиқ бўлади.

Бунтда сақланган пахта ҳарорати унинг бунтга ғарамланаётган вақтдаги ҳавонинг энг юқори ҳароратига яқин бўлиб, 30-38⁰ га тенг бўлади. Пахтани бунтда сақлаш даврида гарчи ҳарорат пасайса ҳам пахта бунтининг асосий қисмида ёқори ҳарорат сақланади. Масалан, Оқтош пахта тозалаш заводида қарашли Оқтош пахта тайёрлов пункти шароитида бунтда сақланаётган пахта ҳарорати ўртача : октябрда 32,6⁰, ноябрда 29,3⁰, декабрда 27⁰, январда 23,5⁰ ва февралда 20,8⁰ бўлган.

Уруғлик пахталарни бунтларда сақланганда ундаги юқори ҳарорат туфайли пахта нами камаяди. Омборда 5 ой сақланган пахта нами 1,0% камайган. Демак, бунтда сақланган пахта нами ўртача 0,8% камайган. Демак, бунтда сақланган пахтанинг нами омборда сақланган пахта намига нисбатан 1,8% кам бўлади.

Маълумки, пахта чигитининг етилиши оддий шароитда сақланганда экиш вақтигача нихоясига етмайди. Бунтда сақланган пахта чигитининг етилиши эса қиш вақтидаги юқори ҳарорат туфайли тезлашади. Шунинг учун ҳам бунтда сақланган пахта чигитининг ўсиш тезлиги, далада кўкариши миқдори, гектардаги кўчат қалинлиги ва нихоят ҳосилдорлиги ошади. Бироқ, бунтда ҳарорат ва ҳаво алмашинувининг бир хил бўлмаслиги туфайли унда сақланган пахта чигитининг уруғлик сифати ҳар хил бўлади.

Бунт сентябрь ойида ғарамланганда унинг 1-3 метр ичкарисиди сақланган пахта чигити у ердаги етарли ҳарорат туфайли яхши унувчан ва серҳосил бўлади. Бунтнинг 5-7 метр ичкарисиди сақланган пахта чигитининг кам ҳосилли бўлишига сабаб, узоқ муддатда сақланганда у ердаги юқори ($30-38^{\circ}$) ҳарорат чигитнинг сифатига ёмон таъсир этади.

Бунтнинг теварак атрофдаги пахта чигити қишнинг совуқ ҳарорати ва юқори ҳаво намлигида сақланганлиги учун яхши етилмайди ва натижада кам ҳосилли бўлади.

Кўриниб турибдики, пахта бунтда сақланганда оддий шароитда, яъни ҳарорат ҳаво ҳароратига тенг бўлган омборларда сақланганди кўра кўпроқ юқори ҳароратда сақланади. Бунтда сақланаётган пахта ҳарорати ташқи шароит ҳароратига нисбатан октябрда 16° , ноябрда 26° , декабрда 27° , январда 20° ва февралда 13° , ортиқ бўлган. Пахта бунтида бундай юқори ҳароратнинг қиш фаслида ҳам сақланаши босилиб ғарамланган пахтада иссиқ ўтказувчанлик хусусияти нечоғли камлиги туфайлидир. Доимий ҳарорат асосан бунтнинг энг марказий қисмида (5-7 метр ичкарилиқда) сақланади, марказдан бунт четига қараб ҳарорат тез пасая боради. Натижада бунтларни бузиш вақтида унда ҳар хил ҳароратни кузатиш мумкин.

Уруғлик пахтани сақлашда унинг намлиги ва ҳароратининг чигит сифатига таъсири. Айрим ҳолларда уруғлик пахталарни сақлашда чигитнинг униш миқдори пасайиб кетади . Бу ҳол биринчи йил ҳаттоки, 1-2 ой сақланган пахталарда ҳам учрайди.

Уруғлик пахталар пахта пунктларига топшириш олдидан қуритилади. Шундай бўлса ҳам ғарамларнинг айрим қисмига тушган ҳўл пахталар касал таркатувчи бактериялар уяси ҳисобланади. Микробларнинг тез ривожланишига шунингдек, уруғлик пахталарни сақлаш вақтидаги ҳарорат ҳам таъсир қилади.

Уруғлик пахталарни сақлашда унинг намини ва ҳароратининг чигит сифатига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларга кўра, чигитнинг етилиши уни сақлаш жойидаги ҳаво ҳарорати ва пахта намига узвий боғлиқ.

Уруғлик пахталарни сақлаш вақтида ҳароратнинг ошиши билан чигитнинг етилиши тезлашади. Масалан, 8% намга эга бўлган уруғлик пахтани уч ой 6-7⁰ ҳароратда сақланганда чигитнинг униш қуввати 91%, 17-19⁰ да 96%, 30⁰ да 98% ва 40⁰ да 100% бўлган. Худди шу муддатда 9 % намга эга бўлган пахтани сақланганда ундан олинган чигитнинг униш қуввати 6-7⁰ да 60%, 17-19⁰ да 95% ва 30⁰ да 98% бўлган. Шунга ўхшаш 10% намга эга бўлган пахтада эса 21% , 80%, 98% бўлган.

Бироқ сақланаётган пахтанинг нами қанча кўп бўлса, чигитнинг юқори ҳароратга бўлган талаби шунча пасаяди. Агарда 8% намликдаги пахтани 40⁰ ҳароратда сақлаганимизда чигитнинг етилиши тезлашган бўлса, 9, 10 ва 12% намликдаги пахта чигитини яхши етилиши учун 30⁰, 14% намликдаги пахта чигитининг етилиши учун эса фақатгина 17-19⁰ кифоя.

Тажрибаларга кўра , уруғлик пахталар сақланаётганда ҳарорат қанча юқори бўлса, пахта нами шунча оз бўлиши керак. Олти ой двомида 8-9-10-12 ва 14% намга эга бўлган пахталар 6-7⁰ да сақланганда чигитнинг униш қуввати пасаймаган. Шу муддатда 17-19⁰ ҳароратда сақланган 14% намликдаги пахтадан олинган чигитнинг униш қуввати пасаяди. Ҳатто 8%

намликдаги пахтани узоқ муддат – 6 ой юқори ҳарорат 40⁰ да сақланганда чигитнинг униш қуввати пасая бошлайди.

Уруғлик пахталарни сақлашда унинг нами ва ҳаво ҳароратининг ошиб бориши билан чигитнинг сақланиш муддати қисқариб, униш миқдори тез пасаяди. Масалан, 9% намга эга бўлган пахта чигитининг униш қуввати 6 ой 17-19⁰ да сақланганда камаймаган бўлса, 40⁰ да сақланганда 11% камайган, 14% намликдаги пахта чигити 17-19⁰ да 4,5 ой давомида яхши сақланган бўлса, 40⁰ да 3 ой сақланганда униш қувватини тамоммила йўқотган.

8-9 % намга эга бўлган пахта чигити фақат 40⁰ да 6 ой давомида униш сифатини камайтиради.

Пахта намини уруғлик чигитнинг сифатига таъсири тўғрисида гап борар экан, яна шуни айтиш керакки, сақланаётган уруғлик пахта қанча сернам бўлса, унда чигитининг етилиши шунча суст ўтади.

Пахта чигитининг кўкарувчанлиги фақат уни сақлаш вақтидаги нами билан сақланганлигига ҳам боғлиқдир. Маълумки, уруғлик пахталар теришда, пахта пунктларида ғарамлашда шудринг ёки ёмғирлар билан намланиши мумкин.

Тажрибаларга кўра, янги теришиб қурилмаган ҳўл пахтанинг физиологик фаоллиги ошиқ бўлганлиги учун у теришдан сўнг қурилиб сунъий намланган пахтага нисбатан ёмон сақланади. Масалан, 12% табиий нами билан 6-7⁰ да олти ой сақланган пахта чигитининг униш қуввати 46% бўлган бўлса, шу хил ҳароратда 12% сунъий нам билан сақланган пахта чигитининг униш қуввати 89% бўлган.

Тажрибаларга кўра, сақланаётган пахта нами ундаги ҳарорат қанча кўп бўлса чигит ўз оғирлигини шунча кўп йўқотади.

Пахта заводларидан экиш учун чигит олишда унинг унувчанлигига жуда катта эътибор бериш керак. Ноқулай шароитда сақланган бир хил унувчанликка эга бўлган чигитларнинг дала шароитидаги кўкарувчанлиги жуда паст бўлади. Масалан, 30⁰ да сақланган 8,9 ва 10 % намликдаги пахтадан олинган чигитларнинг лаборатория шароитидаги униш миқдори

95% ва ундан юқори бўлгани ҳолда, бу чигитларнинг дала шароитида кўкариш миқдори бир – биридан жуда катта (24 дан 52 % гача) фарқ қилган, 8 ва 10 % намликдаги пахтани 30⁰ да олти ой сақланганда чигитларнинг униш фарқи фақат 5% бўлса, шу чигитларнинг дала шароитидаги кўкариш миқдори 26 % бўлган. Худди шунга ўхшаш фарқни 8-9% намликдаги пахтани 40⁰ да 8,9 ва 10% намликдаги пахтани 17-19⁰ да сақланганда ҳам кўриш мумкин.

Шундай қилиб, юқори ҳароратда сақланган пахта чигитининг етилиши маълум вақтгача тезлашиб боради. Бироқ, ҳарорат қанча баланд бўлса, чигитнинг етилиши шунча тез ўтади ва унинг ҳаётчанлиги пасая бошлайди.

Х.Х.Енилеев, Г.Я.Губанов ва Ф.Ю.Ржевскаяларнинг тажрибаларига кўра, юқори намликдаги чигитларни юқори ҳароратда сақланганда унинг нафас олиши кучайиб боради, натижада чигит мағзидаги ёғлар парчаланиб чигитнинг униш қобилияти пасаяди.

6-7⁰ да сақланган юқори намликдаги пахта чигитининг етилиши жуда секин ўтганлиги сабабли унинг униш қобилияти паст бўлади. Бу чигитлар гарчи ҳаётчан бўлсада, етилиши ниҳоясига етмаганлиги учун яхши кўкармайди.

Демак, уруғлик пахталарни қайта ишлаш вақтида чигитнинг қизиб кетишига йўл қўймаслик керак. Джин ва линтердан чиққан чигитнинг ҳарорати ҳаво ҳароратидан ошмаслиги шарт, акс ҳолда куруқ пахталардан олинган чигит намлиги ошиб, уларнинг уруғлик сифати бузилади.

4.УРУҒЛИК ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

4.1. Уруғлик чигитнинг авлоди ва категорияларини меъёрий талаблари

Уруғлик чигитини тайёрлашда тукли ва туксиз чигит тайёрлаш услубларига ажратилади.

Уруғлик чигит учун техник талаблар давлат стандарти ЎзРСТ 663-96 - «Семена хлопчатника посевная. Технические условия» келтирилган. Бу стандарт бўйича пахтанинг элита, биринчи (R_1), иккинчи (R_2) ва учинчи (R_3) репродукцияларидан олинган чигитлар Уруғлик ҳисобида экишга рухсат этилган. Айрим пайтларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг рухсати билан пахтанинг (R_4) репродукция чигитларидан Уруғлик сифатида фойдаланиш мумкин.

Чигитнинг униб чиқиши бўйича учта синфга ажратилади ва 4.1.1-жадвалда кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак. Чигитнинг ўсиш энергияси бўйича 4 та синфга «А», «Б», «В» ва «Г» бўлинади.

4.1.1.-жадвал. Уруғлик чигитга қўйилган талаблар.

Чигит репродукцияси	Навнинг тозаллиги, камида, %	Чигит синфи	Униб чиқиши, камида %	Чигит гуруҳи	Ўсиш энергияси, камида %
Элита	100	1	95	А	90
P1	99	2	90	Б	80
P2	98	3	85	В	70
P3	96			Г	70 паст

Уруғлик чигит намлиги, ифлослиги, тукдорлиги, механик шикастланиши ва чигит устида қолган толаси бўйича 4.1.2.-жадвалда кўрсатилган нормаларга тўғри келиши керак.

Чигитнинг категорияси намлиги, ифлослиги ва механик шикастланганлиги бўйича энг ёмон кўрсаткич билан аниқланади. Уруғлик чигитлар қопларга солиниб сақланади. Дориаланган чигитлар учқатламли 25 кг қоғоз қопларда сақланиши керак. қоплар устидаги ёрлиғида пахта заводининг номи, масулот тури тўда (партия) рақами, селекция нави,

репродукцияси, униб чиқиш синфи, категорияси, Уруғлик чигитнинг стандарт белгиси кўрсатилган бўлиши керак.

4.1.2-жадвал. Тукли ва туксиз чигитларнинг намлиги, ифлослиги ва механик шикастланиши

Кўрсаткичлар номи	Меъёри (нормаси) %					
	Тукли чигит			Туксиз чигит		
	Категорияси			Категорияси		
	1	2	3	1	2	3
Намлиги, кўп эмас	9,0	10,0	9,0	10,0	10,0	10,0
Ифлослиги, кўп эмас	0,5	0,6	0,7	0,2	0,3	0,3
Механик шикастланиши	-	-	-	0,3	0,4	0,5
Чигит устида қолган тола, кўп эмас:	5,0	6,0	7,0	-	-	-
Тукдорлиги, кўп эмас:						
а) тукдорли чигит учун	0,8	0,8	0,8	-	-	-
б) туксиз чигит учун	-	-	-	0,4	0,4	0,4

Уруғлик чигитни қабул қилишда унинг кондицион вазни (массаси) куйидаги тенглама билан ҳисобланади:

$$M_k = M_h * \frac{100 - (W_h + C_h)}{100 - (W_m + C_m)}, kg$$

бунда: М - тўдадаги чигитнинг ҳақиқий вазни (массаси);

W - чигитнинг ҳақиқий намлиги, %;

W_м - чигитнинг ҳисоблашда меърий намлиги, (W_мқл0%);

Ч - чигитнинг ҳақиқий ифлослиги;

C_м - чигитни ҳисоблашда меърий ифлослиги, % (C_мқл0,5%).

Уруғлик чигитни қайси усул билан тайёрлашга қарамасдан, уни дорилаш мажбурий ҳисобланади. Дорилаш ОАО НПС Пахтасаноат илм кўрсатмаси асосида амалга оширилади.

4.2. Уруғлик чигитни экишдан олдин препаратлар билан дорилашни пахта ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири.

Маълумки , зараркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши кураш олиб борилмаса, пахта ҳосилига катта зарар етиши мумкин. Бу кураш юқори самарали бўлиши учун уруғни дорилашдан бошланиши лозим. У шундагина самарали бўлади. Кўп йиллик тажрибаларда уруғни экишдан олдин саралаб, дорилаб экилган тақдирдагина тўла ва соғлом кўчат олиниши исботланган .

Авваллари уруғлик чигит фентиурам, ТХФМ препаратлари билан дорилаб экилар эди. Улар юқори самарали бўлсада, атроф муҳитга ва инсон саломатлигига ўта зарарли бўлганлиги сабабли ишлаб чиқаришдан олиб ташланган.

Кейинги йилларда олимларимиз томонидан гоммоз, вилт ва илдиз чириш касалликларига қарши юқори биологик самарадорлиги билан бирга кучли ўстирувчанлик хусусиятига эга бўлган препаратлар ихтиро этилди. Улар қаторига “П-4”, “Дармон-4”, “ГМК”, “ПАВ-2”, “Гуммат+Бронатак” аралашмасидан иборат дорилар киради.

Мазкур препаратлар Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий – тадқиқот институтида, ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (лабаратория ва лизиметирларда) гоммоз, илдиз чириш, вилт касалликларига қарши синаб кўрилган ва самарадорлиги аниқланган. Шунингдек, мазкур препаратлар юқори даражада биостимуляторлар ҳам ҳисобланади.

“Бронатак”, “ПАВ-2” препаратлари билан ғўзанинг туксизлантирилган уруғлик чигити экишдан олдин дориланган ва дориланмаган чигит билан таққослаб, дала шароитида синаб кўрилди. Аввалиги йилларда илмий-тадқиқот институтлари томонидан мазкур препаратларнинг гоммоз, илдиз чириш, вилт касалликларига таъсири синчиклаб синаб кўрилгани ҳисобга олиниб, тажрибамизда уларни дала шароитида чигитнинг унувчанлигига, кўчат сонига, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига, пахта ва тола ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

**4.2.1-жадвал. Уруғлик чигитни экишдан олдин препаратлар билан
дорилашни пахта ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири.**

№	Вариантлар	Чигит нинг дала унув- чанли ги %	Кўчат сони , минг га	1-сентябрь		Пахта ҳосили. ц/га			Тола чиқи ши, %	1000 дона чигит оғирли ги. гр
				Вўза- нинг бўйи см	Кўсак сони 1м ² май- донда дона	Уму мий	Сов уқ ургу нча	Кўшим ча ҳосил ,		
1	Назорат (дориаланмаган чигит)	57.0	89.5	97.5	87	48.8	42.5	00	35.6	124
2	“ГМК” (2 кг тонна)	55.0	88.4	95.0	80	47.4	37.5	-1.4	36.3	126
3	“ Дармон-4” (3кг/ т)	60.5	96.1	100.1	95	55.3	45.4	+6.5	37.1	122
4	“ Гаучо М” (10.0кг/ т)	71.1	102.2	103.5	102	57.7	49.9	+8.9	34.9	129
5	“ П-4” (5кг/ тонна)	63.5	98.6	100.3	93	55.2	46.7	+6.4	35.6	125
6	“ Гуммат”1 кг + ” Бронатак” 5кг /т	59.4	97.6	97.7	94	52.3	43.6	+3.5	35.3	127
7	“ Бронатак” (6 кг/ т)	59.2	93.8	97.5	89	49.3	40.8	+0.5	34.9	128
8	“ ПАВ-2” (0.1л/т)	57.2	95.4	100.0	93	52.2	46.5	+3.4	35.3	130

Тажриба эскитдан суғорилиб келаётган типик оч тусли бўз тупроқ шароитида ўтказилди.

Сизот сувлар чуқурлиги 3 метрдан паст бўлаган тажриба далаларида вариантлар 4 қайтариқ бўйича рендомизацион усулда жойлаштирилди.

Чигит 60х30х2 тизими бўйича 11 апрелда экилди. Ҳар бир делянка майдонининг катталиги 20 кв. метр. 4 қайтариқда 80 кв. метрни ташкил қилди. Ҳар қайси уяга қўлда 5 донадан уруғлик чигит экилди. Вариантларнинг ҳар бирига 2000 дона уруғ сарфланди. Униб чиққан уруғлар ҳар 3 кунда санаб борилди ва чигитларнинг дала унувчанлиги аниқланди.

Барча агротехник тадбирлар ЎЗПИТИнинг тавсияларига асосан амалга оширилди. Йил якунида гектаридан 50 сентнердан зиёд ҳосил олишга эришилди.

Тажриба натижалари юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, чигитни экишдан олдин ҳар хил препаратлар билан дорилаш унинг дала шароитида унувчанлигига, ундан униб чиққан ўсимликнинг ўсиб ривожланишига умумий ва совуқ ургунгача олинган ҳосилига, тола чиқиши ва 1000 дона чигитнинг вазнига турлича таъсир кўрсатди.

Дориларнинг таъсири дастлабки кунлардаёқ, яъни экилган чигитларнинг униб чиқиш жараёнидаёқ ўз таъсирини кўрсатди. Тажрибада ҳамма вариантларга бир хил 2000 тадан чигит санаб экилган эди. Назорат вариантыда чигитларнинг 57,3 фоизи унуб чиққан бўлса, ”Гаучо-М” препарати ишлатилган пайкалларда 71.1, ”П-4” препарати қўлланганда 63.5, ”Дармон-4” ишлатилганда 60.5 % и униб чиқди.

Бошқа вариантларда 55.0-59.4% чигит унди ёки назоратдагига нисбатан фарқ катта бўлмади. Бу фарқ ғўзани ягона қилишдан кейин қолган кўчат сонига ҳам таъсир этади. ”ГМК” билан дориланган вариантларда ўсимлик сони гектар ҳисобига энг кам 88.4 минг туп ёки назорат вариантыдагига тенг бўлди. ”Гаучо- М” препарати билан ишланган вариантда кўчат сони энг кўп-гектарига 102.2 минг тупни ташкил этди, қолган вариантларда гектар ҳисобига 93.8-98.6 минг туп ёки назоратдагига нисбатан 4.2-9.1% га кўп бўлди.

Буни дориларнинг чигитга ва ёш кўчатларга биологик стимулятор сифатида ҳамда тупроқдаги уруғ ва илдизни чиритувчи касалликларга таъсиридан деб изохлаш мумкин.

Баҳор ва ёз ниҳояси куруқ ва иссиқ келди. Натижада илдиз чириш касаллиги тажрибада деярли бўлмади, гоммоз эса бирорта ҳам ўсимликда учрамади. Аммо май ойининг биринчи 10 кунлигидан бошлаб ғўзага шира ва трипс хашоратлари тушди. Тажрибанинг барча вариантларида (”Гаучо- М” препарати ишлатилмаган вариант бундан мустасно) хашоратлар билан 80-

95% ғўза зарарланди, пастки барглари куриди, ўсув нуқтаси жароҳатланди. ”Гаучо -М” препарати билан дориланган 5-вариантда бу хашоратлар фақат 30% ўсимликларда учради. Бу хол ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатди. Кузга бориб (01.09.) бу вариантда бош поянинг бўйи 103.5 см га етди, 1 м² экин майдонидаги ғўзаларда 102 кўсак шаклланди. Назорат вариантыда бу кўрсаткичлар 97.5 см ва 87 донани ташкил этди. Аммо “II-4”, “Дармон-4”, “ Гуммат + Бронатак” препаратлари қўлланилган вариантларда ёш ғўзалар хашоратлар етказган зарардан 1,2 ва 8-вариантлардагига нисбатан ўзини тезроқ ўнглаб олди. 2 ва 4- вариантларда эса ғўзани ўсиши ривожланиши назорат вариантларидагилардан ҳам сустрок кечди.

Тажрибада вариантлар бўйича ғўзанинг ҳар хил ўсиши ва ривожланиши пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатди. Жумладан, “Гаучо-М” ғўзани илдиз чериш касаллигидан, сўрувчи ва кемирувчи хашоратлардан кучли ҳимоя қилишни (таъсири 2 ойга чўзилди) натижада ҳар гектар ер ҳисобига назоратдагига нисбатан 8.9 сентнер қўшимча ҳосил олинди, кўсаклар эрта очилди, чигитнинг йириклиги энг юқори бўлди. Бу препаратни гоммоз касаллигига кам чалинадиган ва кузги тунлам, шира, трипс ҳамда кемирувчи-сўрувчи хашоратлар кўп учрайдиган минтақаларда, биринчи навбатда уруғчилик хўжаликларида ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

“II-4“ , “Дармон -4” препаратлари қўлланилган вариантда илдиз чириш камайиши, чигитнинг дала унувчанлиги юқори бўлиши, текис кўчат олиниши, кўсаклар сони кўпроқ ва улар йирикроқ бўлиши эвазига назоратдагига нисбатан гектаридан 6.4-6.5 сентнердан ортиқ ҳосил олинди.

“ПАВ-2”, “Бронатак” нинг 5 кг “Гуммат” нинг 1 кг нисбатдаги аралашмаси қўлланилган вариантларда гектар ҳисобига 3.4-3.5 центнер кўп ҳосил кўтарилди.

Республикамизда ишлаб чиқариладиган, анча арзон бўлган бу тўртта препаратдан, гоммоз касаллиги катта талофат кўрсатадиган (ғўза

майдонларининг 1.3-4% ини ташкил этади)ган майдонларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Гоммоз касаллигига самарали бўлган “Бронатак” препарати қўлланилган ушбу варинатда ҳосилдорлик баҳор ҳамда ёз ойлари иссиқ ва куруқ келганлиги учун назоратдагидан деярли фарқ қилмади. Шунинг учун бу препаратни гоммоз кўпроқ тарқалган далаларида ишлатиш маъқул ёки унинг ўрнига “Бронатак+Гуммат” аралашмасини қўллаш янада юқорида самара беради.

“ГМК” препарати қўлланилган вариатда ҳам ҳосилдорлик пасайиши тажрибанинг хатосидан кам бўлсада, ўзанинг ўсиши ва ривожини сустлиги сезилиб турди. Бизнингча, “ГМК” таркибидаги мис купорасининг меъёри бир мунча камайтирилса ўзани ўсиш ва ривожланишига бўлган салбий таъсири камайиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўза уруғчилиги бошқармасининг ташаббуси ва вазирлик хаятининг қарорига биноан, республикада қўлланилаётган уруғлик чигитни экишга тайёрлаш технологияларини марказлашган ҳолда объектив баҳолаш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш Республика қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослик станцияси зиммасига юклатилган.

4.3. Сақлаш шароити ва муддатларини уруғнинг униб чиқиши, кўчат қалинлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири

Элита уруғлари тайёрлов пунктига янги қопларда тортилиб жўнатилади. Бунда ҳар бир қоп ичига нави, авлоди ва етиштирилган жой кўрсатилган ёрлик солиб қўйилади ва қоп устига ҳам шу мазмундаги ёрлик ёпиштирилади. Тайёрлов пунктларида уруғлик пахтани пахта майдонларидаги апробация натижаларига мувофиқ қабул қилинади.

Тайёрлов пунктларида уруғлик пахта намлиги ва ифлосланганлиги чегараланган меъёрдан ошиқ бўлганда қабул қилинмайди. Шунингдек, яхши

ривожланмаган ҳамда зараркунанда ва касалликлар билан зарарланган пахталар аралашган уруғлик пахта ҳам уруғлик сифатида қабул қилинмайди. Уруғлик пахта 250-300 тоннали бунт қилиб жойланади. Бир хил уруғлик материал олиш учун сентябр ойида терилган уруғлик пахта октябр ойида терилган уруғлик пахтадан алоҳида партия қилиб қабул қилинади ва жойлаштирилади. Демак, сифати ҳар хил бўлган уруғлик пахта аралашиб кетмаслиги учун улар алоҳида омборларда сақланади. Биринчи репродукция уруғларининг массаси 200 т дан ортиқ бўлса, улар очиқ майдонларда бунт қилиниб янги брезент ёпилиб сақланади. Бунда сентябр ойида терилган пахтани партия қилиб жойлаштириш 15-20 кундан, октябрда терилган пахтани эса партия қилиб жойлаштириш 10-15 кундан ошмаслиги керак.

Уруғлик пахтани 5 ойгача сақлаш мумкин. Уруғликга ажратилган пахта ғарамларда сақланганда ҳарорат юқори бўлади. Ғарамдаги пахтанинг ҳарорати уни ғарамга жойлаш пайтидаги ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлади. Масалан, сентябр бошларида ғарамларга жойланган пахтанинг ҳарорати кейинги кунларда жойланганига нисбатан бирмунча юқори бўлади., пахтанинг намлиги 8% бўлганида Наманган шароитида ғарамдаги ҳарорат 30^0 - 38^0 С гача кўтарилади. қишда ғарамдаги уруғлик пахтанинг ҳарорати меъёрдан ошмаган ҳолда юқори бўлиши чигитнинг яхши етилишига ва бинобарин унинг сифати яхшиланишига имкон беради.

Х,Р,Рахимов (1962) ма'лумотларига кўра, қулай шароитда чигитларнинг пишиб етилиши тезлашади. Бундай уруғлар соғлом ва бақувват бўлиб кўкаради.

Уруғлик пахтани қабул қилишда пахта тозалаш заводининг уруғлик лабораторияси ҳар бир хўжаликнинг топширган пахтасидан чигитнинг пишганлиги ва унувчанлигини текшириш мақсадида намуналар олади. Намуналар уруғлик пахтанинг массасига қараб ҳар бир партиядан ёки унинг ма'лум қисмидан олиниши мумкин, бунда элита уруғларнинг ҳар 15 т сидан, биринчи репродукция уруғларидан ҳар 30 т сидан, иккинчи репродукция

уруғларидан ҳар 60 т сидан, учинчи ва ундан кейинги репродукция уруғларидан ҳар 150 т сидан намуна олинади.

4.3.1-жадвал. Уруғлик пахтани ғарамларда сақлашнинг чигитнинг униб чиқиши ва ҳосилдорлигига таъсири.

Сақлаш усули	Чигитнинг униб чиқиш энергияси, %	Униб чиқиши, %	Чигитнинг дала шароитида униб чиқиши, %	Кўчат қалинлиги, минг/га	Пахта ҳосили, ц/га
Омборда	84-97	91-98	51,1-65,8	75,7-84,3	42,9
Ғарамда	55	88	42,2	65,9	40,6

Уруғлик пахтани сақланадиган ҳар бир омборда ёки бунтда жойлаштирилган уруғлик пахтанинг партияси ва массаси, нави, саноат нави, репродукцияси, нав тозалиги, дала апробация гуруҳи, омбор ёки бунт рақами, комплектлашнинг бошланиши ва охири, қўл ёки машина терими, товаршуноснинг фамилияси ёзилган паспорт ўрнатилади.

Уруғлик пахтани сақлаш даврида ҳар 10 кунда унинг ҳарорати ўлчаб турилади. Агар уруғлик пахта сақланаётган ғарамнинг 3 метр чуқурлигида ҳарорат 30 °С дан ортиқ бўлса, бундай пахта шамоллатилади. Уруғлик пахта тайёрлов пунктидан пахта тозалаш заводларига махсус транспўртларда ташилади.

Пахта уруғчилиги билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий вазифаси тезпишар, серҳосил, тўқимачилик саноати талабига тўлиқ жавоб берадиган, янги ғўза навлари уруғини кўпайтириш ҳамда хўжаликларни юқори сифатли уруғлик чигит билан таъминлашдан иборат.

Пахта уруғчилиги ягона давлат системасига бирлашган бўлиб. У селекция ва уруғчилик станциялари, элита уруғлик хўжаликлари, нав синаш бўлимлари, пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари ва

уруғчилик лабораторияларида олиб бориладиган селекция ва уруғчилик ишларини бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Уруғлик пахтанинг чигити қайта ишлаш жараёнида машина ва линтерларнинг қаршилигига учрайди. Шу сабабли, чигитлар шикастланишининг олдини олиш мақсадида уруғлик пахта бирмунча енгил технологик режимда қайта ишланади. Уруғлик пахта аррали машинада қайта ишланганда унинг иш унуми соатига 560 кг дан ошмаслиги керак. Чигит умумий линт чиқиши 5,5 % ли аррали линтерда икки марта линтерланади. Уруғлик чигит линтерлангандан сўнг ССЛ-6 маркали машинада экиладиган ва экилмайдиган гуруҳга ажратилади.

Ўрта толали ва ингичка толали чигитлар туксизлантирилгач, уларни хўллаб дорилаш учун 20-СХ машинаси, тукли чигитларни дорилаш учун СП-3М маркали машиналар ишлатилади.

Туксизлантирилган ҳамма уруғлик чигитлар қопларга солиниб уруғликнинг паспорт кўрсатмаси ёзилган ёрлик ҳам солинади ва шу хилдаги ёрлик қопга ҳам ёпиштирилади.

Заводдан жўнатилаётганда уруғлик чигитлардан намуна олинади ва унинг сифати охирги марта завод уруғлик лабораториясида текширилиб кўрилади.

Ингичка толали уруғлик пахтани қайта ишлашда ҳар бир нав учун алоҳида технологик режим белгиланади.

Уруғлик чигит омборларда тўкилган ҳамда қопланган ҳолда сақланади. Жут ёки қоғоз қопларга 30-50 кг дан солинади, қоплар ер ости сувларидан намланмаслиги учун тагига тахта ёки бордон (махсус тахта таглик) тўшалади. Чигит уюми 3-4 м баландликда бўлади.

Чигитни сақлашда навнинг тоза бўлишига катта аҳамият берилади, уларнинг бошқа навларга, репродукцияларга ва гуруҳларга аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир хонага нави, репродуксияси, гуруҳ номерлари ва бошқалар ёзилган белгилар қўйилади. Бундан ташқари, ҳар бир

копга чигит нави, репродукцияси ва бошқа кўрсаткичлари ёзилган ёрликлар солинади.

Омборларда сақланаётган уруғлик чигитлар совуқдан сақланиши керак, чунки совуқ ҳавода уруғлик чигитнинг физиологик етилиши секин ўтади. Ҳаво қуруқ ва очиқ келган кунларда ҳафтада бир марта омборлар шамоллатилиб турилиши лозим.

Агар чигитлар бостирмаларда сақланишига тўғри келса, бундай ҳолларда бостирмалар очиқ ёки бир томони очиқ бўлади. Чигитларни намдан сақлаш мақсадида ёмғир ва ер ости суви бошқа томонга оқиб кетиши учун бостирманинг гир атрофига ариқчалар очилади. Шунингдек, уруғлик чигит намиқмаслиги учун бостирма таги полли ёки асфалт ётқизилган бўлиши керак. Ёғингарчиликда бостирманинг очиқ томонлари брезент билан беркитилади.

Бостирмаларда биринчи йили сақланаётган чигитга қишки совуқ ҳаво салбий таъсир этади, бу физиологик ўзгаришларнинг яхши ўтмаслигига, бинобарин, чигитнинг етилмай қолишига олиб келади. Бундай чигитлар экилганда униб чиқиши секинлашади, ўсимликнинг ўсиб, ривожланиши жуда суст боради.

Бироқ бостирмаларда икки йил сақланган чигитнинг униб чиқиши ва ўсимликнинг ривожланиши омборларда сақланган чигитга нисбатан анча юқори бўлади. Чунки, уруғлик чигит бостирма тагида иккинчи йил сақланганда ёзнинг иссиқ ҳарорати ва бостирмада ҳавонинг яхши алмашинуви чигитнинг яхши ва тез етилишига сабаб бўлади. Бунда пахта ҳосили 3,6 % га кўпайиши аниқланган.

Уруғлик чигитларни биноларда сақлаш янги ҳосилдан териб олинган уруғлик чигит декабр, январ, феврал ойларида иситиладиган биноларда, яъни 17-19⁰ С да сақланса, унинг физиологик етилиши анча тезлашади. Бундай чигитларнинг иситилмайдиган складларда ва айниқса бостирмаларда сақланган чигитларга нисбатан униб чиқиш қуввати ва униб чиқиш даражаси анча юқори бўлади. Масалан, иситиладиган хонада сақланган чигитнинг

униб чиқиш қуввати (21 мартдаги ҳисобда) баҳорги чигит экиш мавсумига яқин даврда 98 %, иситилмаган хонада сақланган чигитники 91 % ва ҳарорат -14⁰С дан 6⁰С иссиққача бўлган бостирмада сақланган чигитники эса 85 % бўлган.

4.3.2-жадвал. Сақлаш шароити ва муддатининг чигитнинг униб чиқиши, кўчат қалинлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири

Вариант	Уруғлик чигит сақланган жой	Биринчи йил сақланган			Иккинчи йил сақланган			Бир йил сақланганга нисбатан фарқи,%	
		15-17 ⁰ С да чигитнинг униб чиқиши	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Ҳосилдорлик, ц/га	15-17 ⁰ С да чигитнинг униб чиқиши	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Ҳосилдорлик, ц/га	Униб чиқишда	Пахта ҳосилда
1	ғарам	73	66,3	39,8	89	76,6	42,1	16	5,8
	Омбор	95	68,0	40,7	98	84,1	44,8	3	10,0
2	ғарам	94	62,9	25,7	96	71,9	29,1	2	13,2
	Омбор	96	63,4	29,8	96	71,9	30,2	0	13,0

Иккинчи теримдан олинган чигит биринчи теримдагидан камроқ етилган бўлади. Шунинг учун бундай чигит иситилган хонада сақланганда физиологик жиҳатдан анча етилиб, униб чиқиш хусусияти ошади.

Демак, иссиқ хоналарда сақланган уруғлик чигит иситилмайдиган омборларда, айниқса бостирмаларда, сақлангандагига қараганда анча қисқа муддатда етилади. 17-19⁰С да сақланган чигит экилганда тез униб чиқади, ўсимлик анча яхши ривожланади ва кўчат қалинлиги ошади. Бу ҳолда ҳосил 2,3-16,0 % гача ошади. Шунинг учун элита ва биринчи репродукция уруғлик чигитни иситиладиган биноларда сақлаш тавсия этилади. Бу эса уруғлик чигитнинг сифатини яхшилади ва қимматли уруғлик материалнинг кўпайиш коэффициенти оширади.

Уруғлик чигитни сақлаш муддати янги терилган уруғлик пахтадан олинган чигит техник жиҳатдан пишиб етилган бўлсада, ҳали тўлиқ

физиологик пишиб етилмаган бўлади. Шунинг учун ҳам кўпинча янги пахта ҳосилидан олинган уруғлик чигитнинг униб чиқиш қуввати ва униб чиқиш даражаси паст бўлади. Вақт ўтиши билан (чигит сақлаш даврида) унинг униб чиқиш даражаси ва униб чиқиш қуввати ошиб боради, чигит физиологик жихатдан пишиб етилади.

Бир йил сақланган чигитнинг лаборатория шароитида униб чиқиш даражаси юқори бўлишига қарамай, улар оддий шароитда (омбор ва айниқса бостирмаларда) сақланганда баҳорги экиш мавсумига қадар яхши етила олмайди. Натижада уруғлик чигит бир йил сақланганда физиологик пишиб етилмаган бўлади.

Чигитни паст ҳарорат ($15-17^{\circ}\text{C}$) да таҳлил қилиб кўрилганда, икки йил сақланган чигитнинг униб чиқиш даражаси бир йил сақланган чигитникига нисбатан анча ошганлиги ва унинг тез ўсиши аниқланган.

Икки йил сақланган чигит экилганда ғўза қалин ўсади, ҳосил эса гектарига 2,3-6,0 центнер ошади. Бир йил сақланганда чигитнинг етилиш жараёни тўла тугалланмаганлиги сабабли уни икки йил сақлангандан сўнг экилганда ҳосил сезиларли ошганлиги аниқланган. Демак, чигитнинг физиологик етилиши икки йил сақлангандан сўнг, я'ни ёзги иссиқ ҳароратнинг та'сири натижасида тўлиқ тугалланади.

А,А,Ахмедов (2002) нинг айтишича намуна танлаш учун одатда, доимий усти ёпиқ айвон жиҳозланиб, унда пахта намлиги ва ифлослигини аниқлаш учун пахта намуналари солинган банкаларни қуёш нури, чанг ва ёғингарчиликдан сақлайдиган жой танланади. Пахтанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун келтирилган пахта тўдасининг турли жойларидаги исталган нуқталардан олинган намуна туркуми тузилади.

5. ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК

Уруғлик учун экилган пахтани етиштириш, териш, тайёрлаш ва сақлашни илмий асосланган тавсиялар асосида олиб бориш уруғлик чигит сифатини оширишнинг бош омилидир. Уруғлик учун экилган пахта майдонларидаги барча тадбирлар сифат кўрсаткичлари юқори бўлган уруғлик чигит олишни таъминлаши зарур.

Сифатли уруғлик пахта етиштиришда барча турдаги агротехнологик жараёнларни ўз вақтида сифатли ўткизилиши маҳсулот сифатини ошишига олиб келади. Агар агротехник тадбирлар кечиктириб юборилса маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари пасайиб кетади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий томондан ҳам маҳсулот сифатига қараб нархларнинг пасайишига олиб келади.

Уруғлик учун етиштирилган пахтага элита учун белгиланган товар нархига нисбатан қўшимча 100%, 1 репродукция учун 75%, 2 репродукция учун 50%, 3 репродукция учун 25% қўшимча ҳақ тўланади.

Уруғлик пахта етиштиришда теришдан олдин уруғлик учун экилган далалар олдиндан тузилган апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилади, бунда уруғчилик талабларига жавоб берган уруғлик майдонлари уруғ олиш учун тавсия этилади. Талабга жавоб бермаган далалар эса товарга ўтқилади. Биз сотилган уруғлик ва товар пахталарга қилинган барча харажатларни ва олинган даромадларни қўшиб иқтисодий самарадорликни ҳисобладик (5.1 жадвал).

5.1 жадвал. Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	қиймати
1	Хосилдорлик, ц/га	34
2	жами харажат, сўм/га	3178000
3	жами даромад, сўм/га	3910000
4	соф фойда, сўм/га	732000
5	1ц. пахта таннарни, сўм	93470,1
6	Рентабеллик, %	23,0

Уруглик пахтани етиштириб 1 га майдондан 34 ц дан хосил олинди 1 кг пахта уртача 1150 сўмдан сотилганда. Гектарига 3178000 сўмдан харажат қилиниб, 3910000 сўмга даромад олинади, сой фойда 732000 сўм/га ни, 1ц пахта таннари 93470,1 сўм ни, Рентабеллик 23,0 % ни ташкил этади.

Уруглик чигитни кайта ишлаш технологияси буйича хисоблар қуйидаги формула ёрдамида бажарилади.

$$\mathcal{E} = (C_{\text{я}} - C_{\text{э}}) \cdot G - [(C_{\text{я}} - C_{\text{э}}) \cdot G] \cdot KKC_{\text{суб}}$$

Бу ерда:

$C_{\text{я}}$ - Янги технологик жараён тадбиқ қилингандан сўнг олинадиган маҳсулот нархи

$C_{\text{э}}$ – Ески технологик жараён ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилиш нархи.

G – Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми.

KKC – Сотиладиган маҳсулотга қўйиладиган қўшимча қиймат солиғи, (KKC -18%)

Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ошиши натижасида еришилаётган иктисодий самарадорлик ҳисоби.

$$\mathcal{E} = (c_{\text{я}} - c_{\text{э}}) \cdot g - [(c_{\text{я}} - c_{\text{э}}) \cdot g] \cdot kkc =$$

$$(745453 - 515090) \cdot 1 - [(745453 - 515090) \cdot 1] \cdot 0,18 = 188898 \text{ сўм}$$

я'ни, 1 тонна сифатли уруглик чигит тайёрланганда 188898 сум қўшимча фойда олиш мумкин.

6.МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Уруғларни дорилаш ва экишда хавфсизлик қоидалари

Уруғликлар ва ўсимликларга кимёвий ишлов беришда хавфсизлик чоралари Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини ўз вақтида дорилаш, ғўза экинлари ўсимликларини касалликларга чидамли ва зараркунанда ҳашаротлардан муҳофазасини таъминлаб тез ва бир текис униб чиқишига ёрдам беради. Ёўзанинг кенг тарқалган касалликларидан бири уруғлик чигитнинг чириб кетиши, униб чиқаётган ниҳолларнинг илдизларини зарарланишидир. Бунда тупроқ таркибида мавжуд бўлган **патоген замбуруғлар** чиритувчи омил ҳисобланади.

Уруғларни дорилашда ишлатиладиган барча кимёвий препаратлар кучли таъсир этадиган ва заҳарли бўлади. Шу туфайли уруғларни дорилайдиган шахслар иш пайтида ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари ва муҳофаза чораларига қатъий риоя қилишлари керак, акс ҳолда бу препаратларнинг ўткир ва сурункали таъсири натажасида оғир касалликларга ёлиқишлари мумкин.

Уруғликлар шамол эсадиган томонда, турар жойлар, молхона, озиқ-овқат, ем-хашак сақланадиган омборлар, сув манбаларидан 200 м узоқликда жойлашган махсус биноларда дориланади.

Уруғлик дориланадиган агрегатлар созланган, герметик беркиладиган бўлиши керак, чанг-тўзон кўтариладиган жойларда ҳавони тозалаб турувчи мослама (вентилятор) бўлиши шарт. Уруғликларни дорилаш вақтида ишчилар махсус коржом (комбинизон), кўзойнак, респиратор ва ниқоб (маска) ларда бўлишлари шарт.

Уруғликларни дорилашда махсус тиббиёт кўригидан ўтган, ўн саккиз ёшдан катта ва 55 ёшдан ошмаган кишилар ишлаши мумкин. Ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг ишлашига асло рухсат қилинмайди. Дорилашда қатнашувчи кишиларнинг иш куни 6 соатдан ошмаслиги керак. Уларга ҳар куни камида ярим литрдан сут бериб турилиши, иш тугагандан сўнг, албатта, махсус ювиниш жойлари (душ)да совунлаб чўмилиш тавсия

этилади. Коржома билан уйга қайтмаслик керак.

Заҳарли кимёвий моддалар билан ишлайдиган кишиларнинг шахсий ҳимоя воситалари: коржома, ниқоб, газниқоб ва махсус этиклари ўзларига лойиқ бўлиши керак. Акс ҳолда тор кийим ҳаракатга ҳалақит қилади. Этик тор бўлса, оёқ панжалари шилиниши ёки кадоқ бўлиши мумкин. Натижада жароҳатланган ерга заҳарли кимёвий моддалар тушиб, кишини заҳарлаши мумкин. Кийим кечак катта бўлса ҳам ишлаш хавфли бўлади, чунки кийимнинг енги ва ёқасидан заҳарли кимёвий моддаларнинг чанги, зарраси тушади ва тери орқали киши организмга ўтиши мумкин. Шахсий ҳимоя воситалари ҳамиша озода бўлиши керак.

Уруғликларни ПУ-3, ПСШ-3, ПС-10 машиналари ёрдамида дорилаш анча самарали ва хавфсиз бўлади. Уруғликларни дорилашнинг нам усулини қўллашнинг афзаллиги шундаки, заҳарли кимёвий модда билан ишлаб турган киши нафас оладиган ҳавода кимёвий модда, шу жумладан, ўта таъсирчан симоб органик бирикмаларнинг чанги ва буғи анча камаяди. Қишлоқ хўжалик экинларининг вегетатсион жараёнини жадаллаштириш мақсадида суюқ аммиакдан кенг фойдаланилади. Ерга суюқ аммиакни солишдан олдин механизатор захира идишини, насос ва тақсимлагичларни герметиклигини, ўлчов-назорат асбобларининг созлигини текшириши лозим. Иш вақтида суюқликни сарф бўлиши ва босимига, суюқлик солинадиган ҳажмларнинг созлигига, машинанинг ишчи органларидаги инжекторларнинг ишлашини назорат қилиш керак. Иш жойларида ҳавонинг газлашганлигини камайтириш учун агрегат юришининг охирида насосни ўчириб, ишчи органларини тупроқдан чиқармасдан, 8-12 м юргандан сўнг машинани транспорт ҳолатига келтирилади. Ҳалокат ҳолатларда (суюқлик шланглари ёки насос корпуси ёрилса) ҳайдовчи дарҳол хавфсиз ҳудудга чиқиши ва ШХВ кийиши шарт, хавфли ҳудуддан дарҳол одамларни ва ҳайвонларни чиқариш чораларини кўрилиши лозим.

Суюқ аммиак билан ишлайдиган машина ва транспорт воситалари хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилинган ҳолда махсус устахоналарда

таъмирланади. Суюқ аммиак учун идишларни синовдан ўтказиш ва техник ҳужжатлаштириш, юқори босим остида ишлайдиган идишларникидек олиб борилади. Систерна ичини назоратдан ўтказиш ёки ичида бирорта ишни бажариш икки ишчи билангина олиб борилади (биринчи ишчи эҳтиётли учун), улар комбинзонлар, резина этиклар ва шлангли газ ниқоблари билан таъминланган бўлишлари лозим.

Аммиак ташийдиган агрегатлар карбонат ангиридли ёки кўпикли ўт ўчиргич ва 10 л сув сиғадиган идиш билан жиҳозланиши керак. Аммиак билан ишлайдиган машина ва ускуналар ишловчилари махсус ўқитиш курсларида ўқиган ва малака оширган бўлишлари шарт.

Аммиакни ташишда жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Транспортнинг ҳаракат тезлиги соатига 40 км дан юқори бўлмаслиги лозим. Аммиакни кечаси, қуюқ туманда ва яхмада ташиш мумкин эмас, тик кўтарилган ёки қияликли йўллар орқали, очиқ аланга бор жойлар орқали ҳаракатланиш, чорвачилик фермалари ва аҳоли яшайдиган 200 м дан яқин болган жойларда қолдириб кетиш қатъиян ман этилади. Суюқ минерал ўғитларни транспортда ташиш учун ишлатиладиган идишлар зич ёпиладиган, ҳаво киритадиган ва чиқарувчи сақлагич клапнларга, аниқловчи чизиғи ва ёзувига эга бўлиши керак. Ҳаво таркибида аммиак бўғининг 16-27% ли аралашмаси портлаш хавфини кучайтиради.

Био ва тупроқларга ишлов бериш. Зарарли организмлар яшовчи муҳитга (иссиқлик, озиқ-овқат ва экиш материалларига, тупроққа, омборхонага, уруғлик сақлайдиган жойларга, элеватор ва бошқ.) Газ ва буғсимон пеститсидларни юбориш фумигатсия демакдир. Фумигатсия бўйича ишлар ўта хавфлилиги сабабли уларни юқори малакали ишчилар махсус ўқишдан сўнг бажаришларига рухсат этилади. Бунда ишни бошлашдан олдин ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассиси бошчилигидаги махсус рухсатнома варақаси (наряд-рухсат)ни расмийлаштириши шарт.

Хоналар етарли даражада герметикланган ҳолда газлаштирилади. Улар турар жойлардан 200 м ва ишлаб чиқариш биноларидан 100 м узоқликда

бўлиши керак. Хоналарни фумигатсия қилишда ҳавонинг ҳарорати 10-35° (иссиқ кунлари эрталаб) ва ҳавонинг тезлиги 7 м/с дан юқори бўлмаган ҳолларда ўтказилади. Фумигатсияни ўтказишдан олдин хоналардан озик-овқатлар, сув, кимёвий моддалар ва бошқа нарсалар олиб чиқилади. Хоналарга кимёвий ишлов бериш (баллонлардан газ чиқариш, фумигантларни чанглатиш, суюқ препаратларни тўқиш, фумигантлар билан шимдирилган латталарни ёқиб ташлаш ва бошқ.) уч кишидан кам бўлмаган махсус рухсатномага эга бўлган ва ШХВ воситалари билан таъминланган гуруҳ томонидан амалга оширилиши шарт. Иш тугаши билан, ишлов берилган бино кириш эшиги қулфланиб елимли лента билан зичланади ва эшик тепасида заҳарлилик тўғрисида огоҳлантирувчи ёзув ёки белги осиб қўйилиши шарт. Фумигатсия муддати (24-96 соат) ўтгандан кейин, бино ҳавоси табиий ва механик йўл билан алмаштирилиши, керак бўлса, фумигантлар кучини йўқотишда кимёвий моддалардан фойдаланиш мумкин. Бу ишларнинг ҳаммаси газниқоблар ёрдамида олиб борилиши шарт. Йирик объектларни газлардан тозалаш секин-аста олиб борилади, бу юқори миқдордаги заҳарли газларни атмосферага кўп миқдорда чиқишидан сақлайди. Хона ва объектлар газлардан тозаланганлигини ва иш бошлаш мумкинлигини фақат маъмурият буйруғи билан тузилган комиссия аниқлаб беради. Хўжалик маъмурияти бутун фумигатсия даврида объектларни доимий назорат қилинишини ташкил қилишлари лозим.

Тупроқ зараркунандаларини бутунлай йўқотишда фумигантлар фақат механизатсия йўли билан 18-20 см чуқурликда солинади. Гексахлорбутадиен, карбатион, формалин билан ишлаётганда ишчилар шамол йўналишига перпендикуляр ҳолатда бўлишлари ва газга қарши респираторлардан фойдаланишлари керак. Тупроқни фумигатсия қилишда 6 ойдан узоқ вақт ичида парчаланадиган пеститсидларни ишлатиш мумкин эмас.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Элита хўжалиелари ёки нав оригинатори етиштирган элита уруғлари янги қонар копларга солинган ҳолда, ҳар бир коп ичига ва сиртига нави, авлоди, уруғ етиштирилган хўжалик номи ва оғирлиги ҳақида тўла маълумотлар ёзилган ҳолда пахта заводларига топширилади.

2. Элита уруғлари пахта заводлари ёки пахта путкитларида ёпиқ омборларда тагига паддон (таглик) қўйилган ҳолда копларда сақланади.

3. Уруғлик чигитларни паст ҳароратда сақланганда уларнинг физиологик пишиб етилиш жараёни чўзилиб кетади ва апрел ойларида ҳам бундай чигитларнинг унувчанлиги жуда паст бўлади.

4. Уруғлик пахтани сақлаганда ҳарорати нормал ушлаб турилиши натижасида чигитнинг пишиб етилиши ва унинг ҳаётчанлиги ошади;

5. Стандарт намликдаги пахталар қайта ишланганда чигитларнинг шикастланиши камаяди;

6. Пахтани исситилган омборда сақлаганда чигит чиқиши ҳам юқори бўлиб, чигитнинг униш қуввати ва унувчанлиги ошади, толанинг узилиши, ифлос аралашмалар миқдори камаяди. Шунингдек, чигитларни қайта ишлашда шикастланиши ҳам минимал даражада бўлади, бу эса ўз навбатида олинадиган маҳсулот сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади;

7. Ғарамларда сақланаётган пахталарда босимнинг ошиши билан тола ва чигитнинг сифати салбий томонга ўзгаради, шу билан бирга уруғнинг ифлослиги ҳам ортади;

8. Келажакда пахтани қайта ишлаш корхонаси лабораториясида ишлайдиган бўлсам, албатта юқорида кўриб ўтилган жараёнларни тўғри бажаришга, стандарт талабларига риоя қилишга, сақлашнинг энг мақбул усулларида кенг фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов.И.А. 2015 йил 26 ноябрдаги “Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси” да сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси 2015й. 27 ноябрь.№229 (6412).
2. Каримов. И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Ўзбекистон, Тошкент,1998 й.
3. Абдуллаев.А. «Ѓўза биологияси, селекцияси ва уруғчилиги». Китоб: Тошкент, 1989 й., 57-61 б.
4. Дадажонов.М. «Янги Андижон-36 нави ва унинг агротехникаси» Тўплам: Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари, халқаро илмий-амалий анжуман. Тошкент, 2004, 120- .
5. Иксонов.М., Автономов.В, ХалмановБ. «Семеноводство хлопчатника» Журнал: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2005 й., №12.
6. Инструкция по грунтовому контролю сортовой чистоты семенного фонда хлопчатника. Москва, 1983.—10 с.
7. Инструкция по предварительному размножению семян новых сортов хлопчатника. Москва, 1986. 52 с.
8. Китоб: Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғалалчиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Тошкент, 2006 й., 301-302- лар.
9. Қобулов.И., Эгамов.Х.ва бошқалар «Андижон-40 ғўза навининг биологик хусусиятлари ва агротехникаси».
10. Кратиров.О.В. и др. Инструкция по производству семян элиты и первой репродукция районированных сортов хлопчатника. Москва, Колос, 1981, 1-64- лар.
- 11.Қўзибоев ш.,Амантурдиев Уруғлик чигитга дорилар билан ишлов бериш. А., Исаев Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002й. №1. 35-36.б

12. Мусаев Б.С., Жамолова Ф. «Уруғларнинг униш суратига ташқи муҳит омилларининг таъсири». Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент-1998 й, 53-б.
13. Назаров Р., Ахмедов Ж., Кўзибоев Ш., Бобоев Я. Омонтурдиев А. «Пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари»
14. Назаров Р., Ибрагимов О. «Ҳосил замини». Журнал: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2006 й., №7, 13- .
15. Нариманов А.А., Узақов Ю.Ф. «Научное обеспечение семеноводство». Китоб: Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент, 1998, 17-19- лар.
16. Наримонов А., Абдураимов Ж., Рахимов Ж. Ёўза уруғчилигида асосий таъомил. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2008 йил. №10. -Б. 15.
17. Симонгулян Н.Г., Мухамедхонов С. Шафрин А. Китоб: ёўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги. Тошкент, 1974, 1-216- лар.
18. Узақов Ё.Ф. «Ёўзани бирламчи ва элита уруғлигини яхшилаш чора-тадбирлари». Китоб: Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент, 1998, 22-24 лар.
19. Хасанов Э.У., Ахмедов Ж.Х. Жанубий вилоят минтақаларида етиштирилган уруғликнинг чигит сифати ва ҳосилдорлиги, 1986,
20. Хўжаев Ш., Тола қора шираси // Ўзбекистон қишлоқ Очиллов Р., Саъдуллаев А. хўжалиги. Тошкент, 2009. №8.-Б.3.
21. Эгамбердиев А.Э. «Ёўза селекцияси ва уруғчилиги». Тошкент-2007. Б.58.
22. Эгамов Х., «Янги ва истиқболли Андижон-33 ёўза Комилов Т, навининг биологик хусусиятлари». «Уруғ Дадажонов М. сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари». Тошкент, 1998 й, 79б.

23. Эгамов Х., Комилов Т. «Ѓўзанинг янги линиялари уруғини жадал усулда кўпайтириш». Китоб: Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент, 1998, 149-153- лар
24. Эгамов Х.,
Комилов Т.,
Дадажонов М. «Навдорликни ошириш тадбирлари». Китоб: Дехқончилик муаммолари: тўплам. Фарғона, 2008 й. 115-117- лар.
35. Эгамов Х.,
Комилов Т.,
Дадажонов М. «Янги ғўза навларининг биологиявий хусусиятлари ва агротехникаси»
26. Қўзибоев Ш. «Пути улучшение семеноводство». Журнал: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2005 й., №9, 11-12- лар.
27. Қўзибоев Ш. «Сортовая чистота и обновления семян». Журнал: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2004 й., №5, 17-18- лар 27.

Интернет сайтлари.

1. Прессслужба Республики Узбекистан -[хттп:ғғwww.пресс-сервисе.уз/рус/документ/документ](http://www.пресс-сервисе.уз/рус/документ/документ).
2. [хттп:ғғwww.Зиёнет.уз](http://www.Зиёнет.уз)
3. [хттп:ғғwww.пресс-сервисе.уз/рус/документ/документ](http://www.пресс-сервисе.уз/рус/документ/документ)
4. [хттп:ғғwww.техтислсуб.ру](http://www.техтислсуб.ру),[хттп:ғғknow.су](http://www.ғғknow.су),
[хттп:ғғенглиш.ркси.ру/глибрарй](http://www.ғғенглиш.ркси.ру/глибрарй)
5. [хттп:ғғстат.башеду.ру/конкурс/кирсанова/СДМ/мастер/волокно.хтм](http://www.ғғстат.башеду.ру/конкурс/кирсанова/СДМ/мастер/волокно.хтм)
6. [хттп:ғғwww.бийск.ру/~карман/мат_вол_натур_хлопок.хтм](http://www.бийск.ру/~карман/мат_вол_натур_хлопок.хтм)
7. [хттп:ғғwww.Самжачсон.com](http://www.Самжачсон.com)
8. [хттп:ғғwww.Соттонуса.арг](http://www.Соттонуса.арг)

Иловалар



“ Тўрақўрғон-4” ғўза навининг 1-йилги уруғлик кўчатзори



“ Тўрақўрғон-4” ғўза навининг 2-йилги уруғлик кўчатзори

В Узбекистане собрано свыше 3,4 миллиона тонн хлопка. Хлопкоробов с «победой» поздравил Президент.

Хлопкоробы Узбекистана собрали свыше 3,4 миллиона тонн урожая и перевыполнили договорные обязательства. С выполнением государственного заказа хлопкоробов и всех трудящихся в пятницу поздравил Президент Ислам Каримов.

«Мне доставляет огромное удовлетворение искренне, от всей души поздравить вас, дорогие мои, с достойным выполнением в эти дни договорных обязательств и возведением высокого хирмана в более чем 3 миллиона 400 тысяч тонн хлопка, что стало возможным, в первую очередь, благодаря вашему нелегкому и почетному труду, и выразить всем вам свое глубокое уважение», — говорится в [поздравлении](#) главы государства.

«Наш народ хорошо знает, какого тяжелого и кропотливого труда, глубоких знаний и опыта земледелия, чувства истинного хозяина земли, отдающего ей всю свою любовь и заботу, одним словом, постоянной самоотверженности требует от каждого дехкана, фермера и специалиста возделывание хлопчатника, и высоко ценит достигнутую вами в этом сельскохозяйственном сезоне победу», — подчеркивается в поздравлении.

«Есть глубокий смысл в народной мудрости, что для дехкана каждый год бывает по-своему трудным. Нынешний сезон вновь подтвердил эту истину. Относительно низкая температура весной, замедление появления всходов на 8-10 дней, уничтожение отдельных посевов хлопчатника селевыми потоками и градом, распространение различных заболеваний растений и сельхозвредителей, маловодье летом, ранняя и прохладная осень создали немало проблем для наших дехкан и фермеров», — отметил Президент.



«Несмотря на все эти трудности, мы смогли сохранить выращенный урожай — прежде всего благодаря накопленному ранее богатому опыту, эффективному применению современных агротехнологий, рекомендациям ученых и специалистов, а также своевременному поливу хлопчатника, подпитке органическими удобрениями, коротко говоря, мастерство, целеустремленность и инициативность наших дехкан и фермеров, несомненно, повышают значимость достигнутых нами в нынешнем году рубежей».

Ислам Каримов выразил от своего имени и от имени всего народа «большую благодарность нашим фермерам и дехканам, которые, не жалея сил и энергии, проявляя полную самоотдачу, совершили настоящий трудовой подвиг, воздвигнув сегодняшний высокий хирман».

Около 90% всего собранного хлопка сдано высокими сортами, отметил Президент, выделив особый вклад тружеников Андижанской области, Республики Каракалпакстан, Навоийской, Хорезмской и Бухарской областей, которые первыми выполнили договорные обязательства.

«В этот знаменательный день еще раз от всего сердца поздравляю всех вас с большой трудовой победой, которая стала очередным важным шагом на выбранном нами пути прогресса и процветания. Пусть в нашей стране, наших домах всегда царят мир и спокойствие, счастье и благополучие! Пусть Всевышний всегда оберегает нас! Не уставайте, мои дорогие, пусть плоды вашего честного труда принесут вам достаток и изобилие!» — говорится в поздравлении Президента.

Хлопок достиг ценового пика за 140 лет

27.10.2010Alexander. R4568694

Теги: сельское хозяйство, растения, экономика, мир



В мире дорожает хлопок, что соответственно заостряет внимание к этой культуре со стороны хлопкосеющих государств и самих хлопкоробов. Хлопок стало выращивать выгодней по сравнению с прошлыми периодами.

Как уже сообщало ИА «Казах-Зерно», мировое производство хлопка не в состоянии угнаться за растущим на него спросом. Дефицит хлопка в мире в 2009/10 году достиг отметки 16,4 млн. тюков. Не слишком богатый урожай прошлого года стал причиной, по которой хлопок продается на мировых рынках дороже.

Цены на хлопок на мировых товарных рынках выросли 26 октября до исторического максимума. На электронных торгах Нью-Йоркской межконтинентальной биржи цена фунта хлопка увеличилась на 3,1% и достигла 1,2854 долларов.

Как отмечают специалисты, никогда за всю 140-летнюю историю мирового биржевого рынка хлопка, он не стоил так дорого. Только дважды за последние 40 лет цена фунта хлопка выходила за пределы 1 доллара. Сейчас цены растут в условиях ожиданий серьезных потерь урожая в США и Китае в связи с неблагоприятной погодой.

Цены на эту сельскохозяйственную культуру начали расти в июле. В результате сильного наводнения в Пакистане, четвертом крупнейшем в мире производителе хлопка-сырца, погибло большое количество хлопка. Из-за непогоды пострадала значительная часть хлопковых плантаций и в Китае, который занимает первое место в мире по выращиванию и импорту хлопка. Второй производитель хлопка в мире - Индия - пока не намерена снимать ограничения на экспорт этого сырья.

В связи с этим соответствующие ведомства правительств государств Средней Азии и Закавказья, таких как Азербайджан, Узбекистан, Туркмения, Таджикистан и Казахстан усилили свое внимание к производству этой культуры в своих странах, разрабатывают программы по стимулированию его производства и пересматривают объемы посевных площадей под хлопок.

В Азербайджане хлопок опять в центре внимания. В последние годы из-за проблем с выращиванием хлопка стратегическое сырье потеряло былую ценность и превратилось в убыточную монокультуру. Высокие цены на удобрения и горюче-смазочные материалы, многолетние долги перед инвесторами - все это не позволяло сделать отрасль рентабельной.

Несмотря на это, хлопок в Азербайджане остается одним из важнейших продуктов аграрной сферы, и в связи с ростом мировых цен на него планируется значительно расширить площадь хлопковых полей.

Хлопководство - традиционная отрасль сельского хозяйства Азербайджана. На протяжении последних десятилетий прошлого века она успешно развивалась, в начале 80-х годов производство хлопка-сырца в республике впервые достигло одного миллиона тонн. Урожайность составляла 32,8 центнера с каждого гектара. Однако с тех пор многое изменилось. Низкие закупочные цены на хлопок вынудили фермеров ориентироваться на более выгодные отрасли растениеводства. И, как следствие, из года в год стали сокращаться площади, засеваемые хлопчатником. В 1993 году продуктивность хлопководства в стране упала на 40 процентов. В Узбекистане хлопковое волокно - одна из важных доходных статей. Ежегодно в мире в среднем экспортируется 7-8 млн. тонн хлопкового волокна. Узбекистан занимает пятое место в мире по его производству и третье по его экспорту. Ежегодно Узбекистан производит около 3,5 млн. тонн хлопка-сырца и 1-1,2 млн. тонн хлопкового волокна. Около 75% выработанного хлопка-волокна отгружается на экспорт.

В Таджикистане возросшие мировые цены на алюминий и хлопок поддержали экономический рост в течение первого полугодия 2010 год. Всего в 2010 году Таджикистан планирует собрать 300.000 тонн хлопка-сырца, в том числе, 92 тысячи тонн в Согдийской области, 194 тысячи тонн - в Хатлонской области и 14 тысяч тонн в районах республиканского подчинения. В прошлом году в стране собран рекордно низкий урожай хлопка-сырца - 296 тыс. тонн. Урожайность составила 17,4 центнера с гектара.

В Туркмении правительству поручено эффективно использовать рекордный рост цен на хлопок на мировом рынке и принять все необходимые меры для выгодной реализации излишней части собранного в стране урожая «белого золота».

Новость на Казах-зерно: На мировых рынках хлопок достиг ценового пика за 140 лет

Президент Гурбангулы Бердымухамедов поручил соответствующим руководителям в срочном порядке тщательно изучить и проанализировать вопрос, связанный с реализацией собранного урожая хлопка, и представить соответствующий отчет.

Хлопкоробы Туркмении в этом году собрали один миллион тонн хлопка-сырца и практически вплотную приблизились к заветной планке выполнения договорных обязательств. По данным министерства сельского хозяйства Туркмении, хлопкоуборочная страда в этом году охватила огромную площадь в 550 тысяч гектаров. В Казахстане хлопок также не обделен вниманием государства. Здесь на производство хлопка в 2010 году АО «Национальная компания «Продкорпорация» выделило кредит на сумму 2,5 млрд. тенге под 2%.

По словам председателя АО «Национальный управляющий холдинг (НУХ) «КазАгро» Асылжана Мамытбекова, «финансирование сельхозпроизводителей для выращивания хлопка в южных регионах страны в 2010 году будет осуществляться через ТОО «Микрокредитная организация «Ырыс» в виде предоставления невозобновляемых кредитных линий и единовременных микрокредитов». Исходя из нормативов кредитования, на 1 га будет выделено 45 тыс. тенге. Средняя площадь посевов у сельхозпроизводителей - 6 га, «ожидаемый охват кредитованием достигнет около 10 тыс. субъектов АПК, занимающихся выращиванием хлопка».

От роста мировых цен не остаются в накладе и сами производители хлопка в Казахстане. В Южно-Казахстанской области цена на хлопок достигла самой высокой отметки за последние 10 лет. Государственный хлопкоперерабатывающий завод АО «Қазақстанмақтасы» дает крестьянам уже по 103 тенге за килограмм. Сами крестьяне отмечают, что такой высокой цены не было уже как минимум 10 лет. «В прошлом году 60 тенге за килограмм радовал хлопкоробов. Правда, в этом году средняя урожайность ниже. Но за счет стоимости должна быть прибыль», - сообщил заместитель акима Мактааральского района Жамантай Бейсенбаев.

Всего в хлопкосоющем регионе Казахстана, по данным сельхозуправления ЮКО, в прошлом году хлопка было убрано с 138 тыс. гектаров, собрано 271 тыс. тонн хлопка-сырца. В этом году ожидается более низкий урожай.

В итоге рост цен на хлопок-сырец в мире поддержит экономики среднеазиатских стран. Особенно это будет ощутимо для стран с низким уровнем ВВП на душу населения. Всего, по мнению экспертов, страны Центральной Азии в 2010 году соберут около 5 млн. тонн хлопка-сырца, большая часть которого придется на Узбекистан и Туркменистан.

Для справки. Основные производители хлопка в мире - Китай, США, Индия, Пакистан, Узбекистан, Бразилия, Турция, Туркменистан, Австралия, Греция, Египет, Аргентина, Сирия и Парагвай. На долю первых пяти стран приходится 75-80% мирового урожая этой культуры.